

2014 йил — “Соғлом бола йили”

Адолат ҳар ишда ҳамроҳимиз ва дастуригимиз бўлсин!

ИНСОН ВА ҚОНУН

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ

АДЛИЯ ВАЗИРЛИГИНИНГ ҲУҚУҚИЙ ГАЗЕТАСИ

2013 йил 10 декабрь • сешанба № 47-48 (887-888)

e-mail: insonvaqonun@minjust.gov.uz

www.insonvaqonun.uz

www.insonvaqonun.adliya.uz

Обуна бўлинг!

“Инсон ва қонун”



Сиз билан,
Сизнинг
ҳимоячингиз,
Сизнинг
маслақдошингиз

Нашр кўрсаткичи — 137

Ислом КАРИМОВ:

Биз таянчимиз ва суюнчимиз, ғуруримиз ва ифтихоримиз бўлмиш болаларимизга, фарзандларимизга ишонч билан, ҳурмат-эътибор билан қарашни келажагимизга бўлган ишонч, миллатимизга, халқимизга бўлган ҳурмат-эҳтиром ифодаси, деб биламиз.

АМАЛГА ОШИРАЁТГАН ИСЛОҲОТЛАРИМИЗНИ ЯНАДА ЧУҚУРЛАШТИРИШ ВА ФУҚАРОЛИК ЖАМИЯТИ ҚУРИШ – ЁРУҒ КЕЛАЖАГИМИЗНИНГ АСОСИЙ ОМИЛИДИР

Президент Ислом Каримовнинг Ўзбекистон Республикаси
Конституцияси қабул қилинганининг 21 йиллигига
бағишланган тантанали маросимдаги маърузаси

Қадри дўстлар!
Авалло, мана шу ҳашаматли ва бетакрор бинода сиз, азиятларим билан кўришганимдан хурсанд бўлганимни, ўзимнинг чуқур ҳурмати ва меҳрими билдириш — мен учун катта бахт, десам, қалбимда, юрагимда бўлган ғапни айтган бўламан.

Бугунги тантанали мажлисимизнинг мақсад-муддаси — ҳаётимиз қомуси бўлмиш Конституциямизнинг 21 йиллигини нишонлаш. Асосий қонунишни белгилаб берган юксак мақсадларни амалга оширишда, юртимизда янги жамият, янги ҳаёт қуришда эришган ютуқларимиз ва олдимизда турган вазифаларни аниқлаб олишдан иборатдир.

Ҳақиқатан ҳам, 1992 йил 8 декабрда қабул қилинган Конституциямиз Ўзбекистон тарихида, узок, давомли мақсад ва вазифаларимизни аниқ белгилаб беришда ўзининг пухта ўйланган тамойил ва қоидалари билан ишончли ва ҳал қилувчи омил бўлди, деб таъкидлашга барча-барча асосларимиз бор.

Конституциямиз негизига қўйилган талаб ва қоидаларга тўлиқ мос келадиган, дунё ҳамжамиятида “ўзбек модели” деб ном қозongan, мамлакатимизни ислоҳ этиш ва модернизация қилиш йўли нақадар тўғри эканини бугун ҳаётнинг ўзи тасдиқлаб бермоқда.

Ушбу моделининг мазмун-моҳияти машҳур беш тамойилда мужассам тоғани барчамизга яхши маълум. Бу тамойиллар иқтисодиётни мафқураддан холи қилиш, қонун устуворлигини таъминлаш, давлатнинг беш ислохотчи сифатидаги бошқарувчилик ролини тан олиш, мамлакатимизнинг ўзига хос хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда, кучли ижтимоий сиёсат юритиш, шунингдек, сиёсий ва иқтисодий ислохотларни босқичма-босқич амалга оширишдан иборат экани билан алоҳида ажралиб туради.

Шулар ҳақида гапирганда, муҳим бир масалага эътиборингизни қаратишни истардим.

Демократик жараёнларни суъний равишда тезлаштириш, шомма-шошарлик, турли инқилобий тўнтарилар йўли қандай аянчилик оқибатларга олиб келиши мумкинлигини ҳаётнинг ўзи барча мисолларда тасдиқлаб бераётгани бугун ҳаммамизга аён.

Фақатгина биз танлаган босқичма-босқич, тадрижий ривожланиш йўли халқимиз кўзлаган эзгу ниятларга эришишга, замонавий демократик талабларга жавоб берадиган давлат, инсон манфаатлари, ҳуқуқ ва эркинликларни энг олий қадрият бўлган, қонун устуворлигини таъминлайдиган жамият барпо этишга олиб келиши мукаррар.

Бунини ҳаётимизнинг ўзи бугун исботлаб бермоқда.

Сиёсий ислохотларимиз негизини

да турган демократик давлат қуришнинг энг асосий талаби бўлмиш ҳокимиятнинг қонун чиқарувчи, ижро этувчи ва суд ҳокимиятига бўлиниши, улар ўртасидаги муносабатларда ўзаро тийиб туриш ва манфаатлар мувозанатини таъминлайдиган тизим барпо этганимиз алоҳида эътиборга сазовордир.

Иқтисодиётимизда туб демократик ва бозор ислохотларининг амалга ошириладигани, ҳусусий мулкка кенг йўл очиб бериш, кичик бизнес ва ҳусусий тадбиркорлик, қиллоқ ҳўжалиги соҳасида ҳал қилувчи кучга айланиб бораётган фермерлиқни ривожлантириш учун қўлай шароитлар, имтиёз ва преференциялар яратиш, ҳусусий мулк ва мулкдорлар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш бўйича қўллаб-қувватлаш қабул қилинган муҳим принциплар аҳамиятга эга бўлди.

Шу борада жамиятимизни эркинлаштириш, бизнес юритиш учун ҳуқуқий ва қонунчилик базаси ҳамда зарур шароитларнинг мунтазам равишда такомиллаштириб боришнинг иқтисодиётимизни изчил ва барқарор ривожлантиришда, аҳолиимизнинг ҳаёт даражаси ва сифатини юксалтиришда катта ўрин тутганини қайд этиш лозим.

Биз мамлакатимизда кичик бизнес ва тадбиркорлиқнинг тарққиётини, ҳусусий мулкнинг жадал ривожини унинг қўлай ва устувор шароитларни яратиб берар эканмиз, аввало, шуларнинг ҳисобидан иқтисодиётимизнинг ўсиш суръатларини тезлаштириш, аҳолиимизнинг иш билан банд бўлиши ва даромад топиши билан бир қаторда, биз учун янги бўлган, демократик ислохотларнинг асосий таянчи ва ҳаракатлантирувчи кучи — ўрта синфни шакллантиришни кўзда тутамиз.

Ўз-ўзидан аёнки, тобора чуқур-

лашиб бораётган ислохотлар натижасида эришилаётган ўта муҳим ўзгаришлар ҳеч қачон бир кунда, кимнингдир буйруғи ёки хоҳиши ҳисобидан бўлмайди. Бунинг учун албатта вақт керак. энг асосийси — бу ислохотларнинг мазмунини ва мақсадларини жамиятимиз, халқимиз чуқур англаб олиши ва қўллаб-қувватлаши ҳал қилувчи аҳамиятга эга.

Такрор айтишга тўғри келади — фақатгина халқимизнинг қўллаб-қувватлаши ҳар қандай ислохотларга куч беради.

Жамиятимизни ислоҳ қилиш борасидаги мақсад ва вазифаларимизнинг маъно-моҳиятини ана шундай тушунишдан келиб чиқиб баён этилган “Ислохот — ислохот учун эмас, аввало инсон учун”, “Янги уй қурмай туриб, эскисини бузмаган” деган машҳур широрлар эл-юртимиз ўртасида кенг ёйилиб, қўллаб-қувватланаётгани бежиз эмас, албатта.

Азиз юртдошлар!
Бугунги кунда Конституциямиз муҳрлаб қўйган тамойилларни амалга ошириш йўлидан дадил қадамлар қўйиб бораётганимиз, давлат қурилиши, ижтимоий-сиёсий, социал-иқтисодий ва гуманитар соҳаларда биз амалга ошираётган кенг қўламли ислохотлар ва демократик янгиланишлар, аҳоли турмуш даражаси ва сифатининг жадал ўсиб, юртимиз қиёфаси, мамлакатимизнинг жаҳон ҳамжамиятидаги ўрни бутунлай ўзгариб бораётгани барчамизга катта ғурур ва ифтихор бағишлайди.

Ўтган 22 йиллик мустақил тараққиётимиз давомида мамлакатимиз эришадиган натижа ва марралар ҳақидаги кўрсаткичлар юртимизда бўлаётган мислсиз ўзгаришлар тўғрисида аниқ тасаввур беради.

(Давоми 2-3-бетларда)



Соғлом бола камолоти йўлидаги эзгу саъй-ҳаракатлар

Вазирлар Маҳкамасининг “Она ва бола” Давлат дастури тўғрисида”ги Қарори.

(05.02.2001)

Вазирлар Маҳкамасининг “Она ва бола скрининг-и” Давлат тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Қарори.

(23.04.2004)

Ўзбекистон Республикасининг “Бола ҳуқуқларининг кафолатлари тўғрисида”ги Қонуни.

(07.01.2008)

Президентимизнинг “Она ва бола саломатлигини муҳофаза қилиш, соғлом авлодни шакллантиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги Қарори.

(13.04.2009)

Президентимизнинг “2009-2013 йилларда аҳолининг репродуктив саломатлигини мустаҳкамлаш, соғлом бола туғилиши, жисмоний ва маънавий баркамол авлодни вояга етказиш бо-

расидаги ишларни янада кучайтириш ва самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари Дастури тўғрисида”ги Қарори.

(01.07.2009)

Вазирлар Маҳкамасининг “2010-2015 йилларда болалар ва ўсмирларни маънавий камол топтиришга йўналтирилган ношрирлик маҳсулотларини нашр этиш Дастури тўғрисида”ги Қарори.

(23.04.2010)

Президентимизнинг “Болалар спорт объектларидан фойдаланиш самарадорлигини ошириш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги Қарори.

(05.05.2010)

Вазирлар Маҳкамасининг “Болалар майдончаларини тиклаш ва ташкил этишининг 2011-2015 йилларга мўлжалланган чора-тадбирлар Дастурини тасдиқлаш тўғрисида”ги Қарори.

(22.12.2010)

Тараққиётимиз ва фаровонлигимизнинг ҳуқуқий асоси

“ЎЗБЕКИСТОН” халқаро анжуманлар саройида 6 декабрь куни Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганининг 21 йиллигига бағишланган тантанали йиғилиш бўлиб ўтди. Унда давлат ва жамоат арбоблари, фан, маданият ва санъат намояндалари, пойтахт жамоатчилиги, мамлакатимизда фаолият кўрсатаётган хорижий давлатларнинг элчихоналари ва халқаро ташкилотлар ваколатхоналари вакиллари иштирок этди.

Йиғилишни Тошкент шаҳар ҳокими Р.Усмонов очди.

Ўзбекистон Республикаси Давлат мадҳияси янгради.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов тантанали йиғилишда маъруза қилди.

Давлатимиз раҳбари Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси мамлакатимизда демократик давлат ва фуқаролик жамияти барпо этиш, инсон ҳуқуқ ва манфаатларини таъминлаш, Ватанимиз тараққиёти ва турмушимиз фаровонлигини юксалтиришнинг ҳуқуқий кафолати бўлиб келаётганини таъкидлади.

Конституциямиз нормаларининг ҳаётга таъбиқ

этилиши жамиятимизда қарор топган тинчлик ва ҳамжихатликда, ҳаётимизга янги ҳаёт мазмун бағишлаган ислохотлар самарасида, одамларимизнинг ўзгариб бораётган он-ғуфтақурида, ҳар бир инсон ҳаётида ўз ифодасини топтоқда.

Ушбу тарихий санани байрам қилар эканмиз, миллий давлатчилигимиз асосларининг мустаҳкамланиши, ижтимоий-иқтисодий соҳаларнинг изчил ривожланиши, аҳоли турмуш даражасининг юксалиши, мамлакатимизнинг халқаро ҳамжамиятдаги ўрни ва нуфузи ортиши — буларнинг барчасида Асосий қонунимизнинг аҳамияти юксак эканлигини

янада теран англаймиз.

Ўзбекистон Республикаси Конституцияси байрамнинг яна бир муҳим жиҳати, шу кун халқимизнинг эзгу интилишларини ифода этадиган, жамиятимиз ривожига хизмат қиладиган энг устувор йўналишлар белгилаб олинди ва келгуси йилга шунга мувофиқ ном берилди.

Президентимиз Ислом Каримов ташаббуси билан 2013 йил Обод турмуш йили деб эълон қилинган эди.

“Обод турмуш йили” Давлат дастури асосида фуқаролик жамиятини ривожлантириш, тинчлик-осойишталикни мустаҳкамлаш, аҳоли фаровонлигини янада оширишга қаратилган меъёрий-ҳуқуқий база такомиллаштирилди.

Халқимизнинг ҳаёт сифати ва даражасини юксалтириш, маиший шароитларини янада яхшилаш, янги уй-жойлар ва инфра-тузилма объектларини қуриш, маҳаллаларни обод этиш, ижтимоий-маъна-

вий муҳит барқарорлигини таъминлаш борасида комплекс чора-тадбирлар амалга оширилди. Хотин-қизларнинг ижтимоий фаоллигини янада юксалтириш, орзу-интилишларини қўллаб-қувватлаш, оналик ва болаликни муҳофаза қилишга алоҳида эътибор қаратилди.

Ватанимизни ҳар томонлама обод қилиш, халқимиз янада тинч ва фаровон яшайдиган ҳаёт борада этиш йўлидаги бундай ишлар изчил давом этмоқда.

Президентимиз Ислом Каримов кириб келадиган янги — 2014 йилни мамлакатимизда “Соғлом бола йили” деб эълон қилишни таклиф этди. Давлатимиз раҳбарининг бу таклифи йиғилганлар томонидан гулдўрос қарсақлар билан қўллаб-қувватланди.

Тантанали маросим санъат усталари ва ёш ижрочиларнинг байрам концерти билан аяқунланди.

ЎЗА

АМАЛГА ОШИРАЁТГАН ИСЛОХОТЛАРИМИЗНИ ЯНАДА ЧУҚУРЛАШТИРИШ ВА ФУҚАРОЛИК ЖАМИЯТИ ҚУРИШ – ЁРУФ КЕЛАЖАГИМИЗНИНГ АСОСИЙ ОМИЛИДИР

Президент Ислон Каримовнинг Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганининг 21 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги маърузаси

(Давоми.
Боши 1-бетда)

Ана шу даврда Ўзбекистон иқтисодиёти 4,1 баробар ўсди. Агарки мамлакатимиз аҳолиси айна шу даврда қарийб 9,7 миллионга кўпайиб, бугунги кунда 30 миллион 500 мингга яқин кишини ташкил этаётганини ҳисобга оладиган бўлсак, аҳоли жон бошига нисбатан ўсиш 3 баробардан зиёда ташкил этиши бизнинг нақадар улкан тараққиёт йўлини босиб ўтганимиздан далолат беради.

Жаҳон миқёсида ҳали-бери давом этаётган молиявий-иқтисодий инқирознинг жиддий таъсирига қарама-ддан, мамлакатимиз ялпи ички маҳсулотининг йиллик ўсиши 2008-2013 йилларда 8 фоиздан ошди, 2014 йилда эса бу кўрсаткич 8,1 фоизни ташкил этади. Бундай ўсиш суръатларини қамдан-қам давлатларда кузатиш мумкин.

Ўтган давр мобайнида макроиқтисодий кўрсаткичларнинг мутаносиблиги, давлат бюджетимизнинг профицит билан, яъни ошириб бажарилиши таъминланмоқда.

Мустақиллик йилларида мамлакатимизда аҳолининг реал ялпи даромадлари жон бошига 8,2 баробар ошганининг ўзи ҳалқимизнинг ҳаёт даражаси тобора ўсиб бораётганидан далолат беради. Ўзбекистоннинг ташқи давлат қарзи ялпи ички маҳсулотига нисбатан 16 фоиздан ошмапти, экспорт ва олтин-валюта захираларимиз ҳамми кўпайиб бормоқда.

Истиқлол йилларида мамлакатимиз иқтисодиётида доллар ҳисобида 162 миллиарддан ортиқ капитал маблағ ўзлаштирилган бўлиб, бунинг 56 миллиард доллардан зиёда хорижий инвестициялардир.

Фақатгина 2013 йилнинг ўзида капитал инвестициялар ҳамми доллар ҳисобида қарийб 14 миллиардга етган бўлиб, яъни ички маҳсулотга нисбатан 23 фоизни ташкил этади.

Буларнинг барчаси аввало иқтисодиётимиздаги иқтисодий тарқибий ўзгаришлар натижаси, янгитдан ишга туширилган, жаҳон бозорига талаб катта бўлган рақобатдош маҳсулотлар ишлаб чиқаришга юзлаб, минглаб замонавий корхоналар демакдир.

Бу рақамлар аввало юзлаб, минглаб километр темир йўллар ва автомобил йўллари, юз минглаб ўй-жойлар қурилгани, инфратузилма объектлари бунёд этилгани, шаҳар ва қишлоқларимиз қиёфасининг тубдан ўзгариб, аҳоли фаровонлиги ва ҳаёт сифати ошиб бораётганининг далилидир.

Бугун бир фикрни ҳеч иккиланмасдан, тўла ишонч билан айтишимиз мумкин: Ўзбекистон тарихан қисқа муддатда иқтисодий бировеклама ривожланган, асосан пахта ҳомиёси етказиб беришга мослашган, пахта яккахокилиги ҳалокатли тус олган қолоқ республикадан тез суръатлар билан ўсиб бораётган замонавий саноат тармоғига эга бўлган, жадал тараққиёт этаётган мамлакатга айланди. Бунинг аққол тасдиғи — мамлакатимизнинг ялпи ички маҳсулотини таркибидан саноатнинг улуши 1990 йилдаги 14,2 фоиз ўрнига бугунги кунда 24,3 фоизни ташкил этгани, айна пайтда қишлоқ ҳўжалигининг улуши эса 34 фоиздан 17 фоизга қайтаётганлиги.

Биз учун мутлақо янги бўлиши автотомобилсозлик, моторсозлик ва уларга боғловчи қисмлар тайёрлайдиган соҳаларга, кефлар ва газни қайта ишлайдиган, фармацевтика маҳсулотлари, замонавий телевизор ва компьютерлар ишлаб чиқаришдан янги-янги саноат тармоқларига асос солинди. Шунингдек, озиқ-овқат, енгил саноат, кимё, қурилиш материаллари саноати ва бошқа тармоқлар тўлиқ модернизация қилинди ва дунё бозорига рақобатдош бўлган товарлар ишлаб чиқариш бошланди ва давом этмоқда.

Ўзининг аҳамияти ва моҳиятига кўра ҳеч нарса билан қийёсла бўлмайдиган ҳаётимиздаги ўзгаришлар ҳақида гапирганда, аввало одамларимизнинг дунёқараши ва кайфияти, фикру эркини, уларнинг ҳаётга, ўз меҳнати натижасига муносабати тубдан ўзгариб, юксалиб бораётгани ҳақида тўхталмасдан ўтолмаймиз.

Бугун инсоннинг ўзи ўзгармоқда, унинг гражданилик ва сиёсий онги, ҳуқуқий маданияти ўсмоқда. Биз

коммунистик мафкура асоратларидан, боқимандалик кайфиятидан, турли сохта қолиплардан тўла ҳалос бўлиб бормоқдамиз. Мустақил фикрлайдиган, замонавий билим ва касб-ҳунарларга эга, ҳаётга янгича қарайдиган, собиқ мустабид тузумга ҳос тушунчалардан озод бўлиб вояга етётган, ўз фикри ва қарашларига эга бўлган навиқрон ёшларимиз ҳаётга ишонч билан кириб келмоқда, жамиятимизда мустақам ўрин олмақда ва мамлакатимизнинг тараққиёти йўлида ҳал қилувчи кучга айланмоқда.

Ҳаётимизда амалга оширилаётган бундай ўзгаришлар аввало нимани ағдлатди?

Биринчидан. Бу амалий ишлар аввало мамлакатимизда замонавий демократик жамият қарор топаётгани ва илчил ривожланаётганидан, аҳолининг ҳаёт даражаси ва сифатининг юксалиб боришига замин бўлаётган иқтисодиётимизнинг барқарор суръатлар билан ўсётганидан, Ўзбекистонимизнинг ҳалқаро майдондаги обрў-эътибори тобора ортиб бораётганидан дарак беради.

Энг муҳими, юртимизда амалга оширилаётган ислохотларнинг самарадорлиги ва таъсирчанлиги Ўзбекистоннинг дунёдаги ривожланган демократик давлатлар қаторига кириши учун бугунги кунда барча имкониятлар яратилди, деб айтишга тўла асос беради.

Иккинчидан. Биз қўлга киритган марралар мустақил ривожланишнинг ўтган даврда ҳалқимизнинг тарихий ва миллий хусусиятларини инобатга олган ҳолда, мамлакатимиз Конституциясида белгилаб қўйилган стратегик мақсад ва вазифалар сари тадрижий, босқичма-босқич ва илчил илгарилаб бориш нақадар тўри бўлганини тасдиқламоқда.

Учинчидан. Айна вақтда биз бир ҳақиқатни яхши англаймиз: албатта, замонавий Конституцияга, унда кўрсатиб берилган мақсад-муддаоларга эришиш учун ишлаб чиқилган ажойиб Стратегияга эга бўлиш мумкин. Аммо, меҳнаткаш ва олижаноб ҳалқимиз бу йўлда тоғдек таъна бўлиб турмаса, ўзингиз айтинг, азиз дўстларим, қалдронларим, биз мана шундай юксак марраларни қўлга кирита олармидик?

Фақат ҳалқимизнинг мардлиги ва матонати, жонқурлиги ва қатъияти, одамларимизнинг бекиёс меҳнати барчамизга ҳақли равишда фахру ифтихор бағишлайдиган улкан ютуқ ва натижаларга эришиш имконини беради.

Бугун, мана шу юксак минбардан туриб, сиз, азизларимиз барчангизга, сизларнинг тимсолингизда азму шижоатли, фидойи ҳалқимизга яна бир бор ўзимнинг қўқур миннатдорлигимни билдириб, таъзим қилишга ижозат бергайсиз.

Ҳурматли дўстлар! Ўтган даврда амалга оширган ишларимизни сарҳисоб қилар эканмиз, аввало, эришилган ютуқларга маҳлиё бўлиб, хотиржамлик кайфиятига берилмаслигимиз, реал воқеалардан узилиб қолмаслигимиз зарурлигини, ўйлайманки, ҳаммамиз яхши тушунамиз.

Биз бугунги дунёда эгаллаб турган ўрнимизни ҳолисона ва танқидий баҳолашимиз, тобора ўсиб бораётган ҳаёт талаблари билан ҳамоханг тарзда боришимиз, ўз истиқболимизга очик кўз билан қараган ҳолда қадим қўйишимиз ниҳоятда муҳимдир.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси томонидан 2010 йилнинг ноябрь ойида Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепциясининг қабул қилиниши юртимизда амалга оширилаётган демократик янгиланиш ва модернизация жараёнларининг қонуний ва мантикий давоми бўлди.

Маъмур Концепция, моҳият эътиборига кўра, узок муддатга мўлжалланган Дастур бўлиб, у бугунги глобаллашув замонида, дунё шиддат билан ўзгариб бораётган бир шароитда ўзаро узвий боғлиқ бўлган сиёсий ва иқтисодий ислохотлар, давлат ҳокимияти ва бошқаруви тизимини демократлаштириш ва эркинлаштириш, суд ҳокимиятининг мустақиллигини, сўз ва ахборот эркинлигини, сайлов эркинлигини таъминлаш, сайлов тизимини такомил-

лаштириш, фуқаролик жамиятини ривожлантириш бўйича устувор вазифаларни белгилаб берди.

Ўтган давр мобайнида бу йўналишларнинг ҳар бири бўйича анча ишлар бажарилди ва бажарилмоқда. Бундай ўзгаришларни барчамиз матбуотимизда ва телевидение орқали муҳокама қилинаётган лойиҳалар ва парламентимиз — Олий Мажлисимиз қабул қилаётган қўлгина қонунлар мисолида кўришимиз, кузатишимиз қийин эмас, албатта.

Шу борада ўтган давр мобайнида парламентимиз фаолиятини янада такомиллаштиришга оид қатор тузатишлар қабул қилганимиз эътиборга сазовор, деб ўйлайман. Қонунлар ва меъёрий ҳужжатларни қўриб чиқиш ва қабул қилишнинг барча босқичларида депутатлар ва сиёсий фракцияларнинг роли кучайтирилган, аҳолининг ҳаёт даражаси ва сифатининг юксалиб боришига замин бўлаётган иқтисодиётимизнинг барқарор суръатлар билан ўсётганидан, Ўзбекистонимизнинг ҳалқаро майдондаги обрў-эътибори тобора ортиб бораётганидан дарак беради.

Бугун олдимизда турган демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш вазифаси ҳақида гапирар эканмиз, энг аввало давлат ҳокимияти фаолияти устидан жамоатчилик назоратининг яхлит тизимини ташкил қилиш, бунинг учун ҳуқуқий нормаларни мустақамлаш, керак бўлганда, махсус қонунлари қабул қилиш лозим.

Шу нуктага назардан қараганда, "Ижтимоий шериклик тўғрисида", "Ўзбекистон Республикасида жамоатчилик назорати тўғрисида"ги қонун лойиҳаларини қўқур муҳокама қилиш ва уларни қабул қилишни тезлаштириш энг муҳим вазифаларимиздан биридир. Шулар қаторида "Оммавий ахборот воситалари фаолиятининг иқтисодий асослари тўғрисида", "Оммавий ахборот воситаларининг давлат томонидан қўллаб-қувватлаш кафолатлари тўғрисида"ги оммавий ахборот воситаларининг мустақиллиги, ахборот ва сўз эркинлигини таъминлайдиган, эркин ахборот майдонини ташкил қилидиган бошқа қонунларнинг муҳокамасини тезлаштириш ва қабул қилиш даркор.

Концепцияга мувофиқ, суд-ҳуқуқ тизимини янада ислох этиш, жамиятни ривожлантириш ва демократлаштиришнинг муҳим таркибий қисми сифатида судларнинг мустақиллиги ва эркинлигини мустақамлаш, қонун устуворлигини, инсон ҳуқуқ ва эркинликларининг ишончли ҳимоясини таъминлаш бўйича илчил ишлар амалга оширилди.

Аввало, прокуратура органларининг суд ҳокимияти устидан назорат функциялари тўлиқ бекор қилинди, прокуратура ваколатларидан суд қарорлари ижросини тўхтатиб туриш ҳуқуқи қайтарилди. Жиноят ишлари юртишда суд назоратини мустақамлаш, ҳимоя ва айблов тортишувини таъминлаш тизими ва меҳанизмларини такомиллаштиришда "Хабас корпус" институти қўлланилиши кенгайтириш бўйича қонун ҳужжатлари амалга оширилмоқда.

Жиноят-процессуал қонунчиликдан суднинг жиноят ишлари кўзатиши, жиноят иш бўйича айблов ҳулосаларини эълон қилиш ваколатлари соқит қилинди, судга иш юритиш босқичида тергов устидан суд назорати кучайтирилди. Шахсони лавозимидан четлаштириш ва тиббиёт муассасасига жойлаштириш каби процессуал мажбурилов чораларини қўллаш ваколатлари судларга берилди.

Қабул қилинган қонунчилик ҳужжатларига кўра, тезкор-қидирув ишларини олиб боришининг аниқ асослари белгиланди, бу жараёнда қонунчиликка риоя қилиш, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш, маъмурий ўзбошимчликка йўл қўймаслик бўйича реал ҳуқуқий кафолатлар яратилди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг суд тизими ҳодимларининг ижтимоий ҳимоясини тубдан яхшилаш, шунингдек, туман ва шаҳар умумий юрисдикция судларининг фаолиятини такомиллаштириш ва самарадорлигини ошириш бўйича ташкилий чора-тадбирлар тўғрисидаги фармонларининг қабул қилиниши суд ҳокимиятининг нуфузини мустақамлаш, замонавий демократик талабларга жавоб бера-

диган суд кадрларини танлаш ва тайинлашнинг самарали тизимини яратиб борасида муҳим аҳамиятга эга бўлди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2013 йилнинг июнь ойида қабул қилинган "Юридик кадрларни тайёрлаш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарорига мувофиқ, Тошкент давлат юридик институти Тошкент давлат юридик университетига айлантирилди, юридик таълим тизимининг фундаментал асосларини тубдан ислох қилиш ва яхшилашнинг пойдевори яратилди.

Бугунги кунда нодавлат нотижорат ташкилотлари демократик қадриятлар, одамларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари, қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш, уларнинг ижтимоий, социал-иқтисодий фаоллиги ва ҳуқуқий маданиятини оширишнинг муҳим омилга айланмоқда.

Хозирги пайтда мамлакатимизда фаолият юритаётган нодавлат нотижорат ташкилотларининг сони 6 мингдан ортиди, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ҳузуридаги Нодавлат нотижорат ташкилотларини ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтиларини қўллаб-қувватлаш жамоат фонди томонидан грантлар бўйича бераётган маблағлар миқдори сўнгги уч йилда 2 баробар кўпайди.

Нодавлат нотижорат ташкилотлари соғлиқни сақлаш, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш, бандликни таъминлаш ва аҳолининг ижтимоий ҳимояга муҳтож қатламларини қўллаб-қувватлаш соҳаларидаги долзарб муаммоларни ҳал қилиш бўйича дастурларни амалга оширишга, шунингдек, ҳуқуқий меъёrlарни ишлаб чиқиш жараёнига кенг жалб қилинмоқда. Концепция доирасида тайёрланаётган қонун лойиҳалари, айна пайтда катта ижтимоий аҳамиятга эга бўлган бошқа қонун ҳужжатлари бўйича жамоатчилик ўрта-сидаги муҳокамалар ўтказилмоқда.

Бунинг аққол тасдиғини фуқаролик жамияти институтилари, оммавий ахборот воситаларининг "Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолиятининг очиклиги тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси қонуни лойиҳасини синовдан ўтказиш бўйича Бухоро ва Самарқанд вилоятларида қарийб бир йилдан буюн ўтказилаётган ҳуқуқий таҳрирбада кенг иштирок этаётганида кўриш мумкин.

Шулар ҳақида ва амалга ошираётган ишларимизнинг давоми ҳақида гапирар эканмиз, яна бир муҳим масалага эътибор қаратишимиз лозим.

Ривожланган демократияга эга бўлган давлатларнинг таърибаси, шу билан бирга, Ўзбекистоннинг сиёсий ва конституцион ривожланишининг мантикий йўли ҳалқимиз, жамоатчилигимизнинг намоёндалари бўлиши вакиллик, депутатлик органларининг жамиятимиз ҳаётидаги роли ва аҳамиятини янада ошириш, содда қилиб айтганда, бу йўлда бошлаган ишларимизни илчил давом эттириш талаб қилинди.

Айна шу борада Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг юқори палатаси — Сенат ҳамда қуйи — Қонунчилик палатасининг ролини янада кенгайтириш, фақатгина қабул қилинган қонунларнинг ижросини текишириш билан чегараланмасдан, Вазирлар Маҳкамаси ҳамда ижро органлари фаолияти устидан назоратни кучайтириш, ички ва ташқи сиёсатни амалга оширишда, энг муҳим стратегик масалалар бўйича қарорлар қабул қилишда ҳуқуқ ва ваколатларини ошириш учун Конституциямизга тегишли қўшимча ва ўзгартiriшлар киритиш мақсадга мувофиқ бўлади. Шулар қаторида Вазирлар Маҳкамаси ва жойлардаги ижро ҳокимиятларининг масъулиятини ошириш, Олий Мажлис ва маҳаллий кенгашларда уларнинг ҳисоботини мунтазам равишда эшитиш ва тегишли ҳулосалар чиқаришнинг ҳаётинг ўзи тақозо этмоқда.

Ҳеч шубҳасиз, пухта ўйланган бундай ислохотларни давом эттириш биз қўзлаган, яъни "Қўли давлатдан қучли фуқаролик жамиятига ўтиш" таъмоили — принципини амалга оширишда янги қадам бўлади.

Мутмазн ватандошлар! Ижтимоий-сиёсий ва иқтисодий тараққиётнинг аниқ устувор йўна-

лишларини белгилаб олишда сиёсий партияларнинг ролини кескин кучайтириш, мамлакатимизни ислох этиш ва модернизация қилиш бўйича стратегик вазифаларни ҳал этишда уларнинг иштирокини кенгайтириш демократик ислохотларни илчил амалга оширишнинг энг муҳим омилга айланоми зарур.

Бошқача қилиб айтганда, қўлпартияли тизимни мустақамлаш ва партиялараро рақобатни кучайтириш — биз қўзлаган демократик давлат барпо этишининг энг муҳим шартларидан бирига айланиши даркор.

Биз бу ўринда ўз низомига ва жамият олдига турган муаммоларни ҳал қилиш борасида ўз нуктага назари аниқ ифода этилган ҳаракат дастурига эга бўлган сиёсий партияларни қўзда тутамиз. Сўз, аввало, ўз электроратига эга бўлган, давлат ва жамият қурилишининг асосий масалалари, мамлакатда юртилаётган ички ва ташқи сиёсат бўйича аниқ-равшан позицияси билан, сайловда мазкур партия учун овоз берадиган одамлар манфаатларини қатъий ҳимоя қилишга қодирлиги билан сайловчилар ўртасида обрў қозонган партия ҳақида бормоқда.

Ушбу масалаларнинг барчаси 2014 йилнинг декабрь ойида Олий Мажлис ва маҳаллий ҳокимият вакиллик органларига ўтказиладиган умумхалқ сайловлари нуктага назардан алоҳида долзарб аҳамият касб этади.

Юқорида айтилган фикр-мулоҳазаларни яқунлаб, ҳулоса қилар эканмиз, Конституциямиз муқаддимасига бугун яна бир бор мурожаат қилиш ўринли бўлади, деб ўйлайман.

Ушбу муқаддимда, жумладан, қуйидаги қоида баён қилинган: "Ўзбекистон ҳалқи: инсон ҳуқуқларига ва давлат суверенитетига қўйилганга содиқлигини тантанали равишда эълон қилиб, ҳозирги ва келажак авлодлар олдидида юксак масъулиятини англаган ҳолда, демократия ва ижтимоий адолатга садоқатини намоён қилиб, республика фуқароларининг муносиб ҳаёт кечирishiларини таъминлашга интилиб, инсонлар ва демократик ҳуқуқий давлат барпо этишни қўлаб, ўзининг мухтор вакиллари сиймосида Ўзбекистон Республикасининг мазкур Конституциясини қабул қилади".

Мен бугун ушбу муқташам залда тўпланган сиз, азизларга, сизларнинг тимсолингизда бутун ҳалқимизга мурожаат қилиб айтмоқчиман. Биз ўтган йиллар давомида амалга оширган барча эзгу ишларимизнинг давом эттириб, келгусида ҳам ўз танлаган йўлимиздан ҳеч қачон ортга қайтмаймиз ва Конституциямизга белгиланган берилган барча олижаноб мақсад-муддаоларимизни сўзсиз амалга оширамиз.

Азиз юртдошлар! Ватанимизни ҳар томонлама тараққий эттириш ва обод қилиш борасидаги ишларимизни янги, юксак босқичга кўтариш мақсадида 2013 йилга мамлакатимизда "Обод турмуш йили" деб ном берганимиз эл-юртимиз томонидан катта мамнуият билан қабул қилинди.

Йил давомида давлатимиз ва жамиятимизнинг барча қуч ва имкониятларини сафарбар этиб, мамлакатимизда улкан ишлар амалга оширилди ва айтиш мумкинки, бу қўлгина масала ва муаммоларни ечишга катта ҳисса қўшди.

Жорий йилда обод ҳаётнинг асосий шарти бўлган аҳолининг реал даромадларини ошириш, кичик бизнес, хусусий тадбиркорлик ва фермерлик ҳаракатини янада ривожлантириш, янги-янги иш ўринлари яратиш, социал масалаларни ечиш борасидаги ишларимизни илчил давом эттирдик.

Ўйлайманки, сизлар яхши хабардорсиз, мамлакатимизда ҳар йили давлат бюджетини қабул қилишда айна ижтимоий соҳани ривожлантиришга алоҳида аҳамият берилди. 2013 йилда бу соҳага ажратилган маблағлар бюджетимиз умумий ҳаражатларининг 60 фоизини ташкил этди. Бу эса 2012 йилга нисбатан 1 триллион сўмга кўпроқдир.

Бугунги кунда одамларимизнинг ҳаёт даражаси қандай ўсиб бораётгани ҳақида гапирганда, аққол кўзга ташланадиган баъзи бир кўрсаткичларга эътиборингизни қаратмоқчиман.

Хозирги вақтда мамлакатимизда

яшаётган ҳар учта оиланинг биттаси шахсий енгил автомобилга эга. Юртимиздаги ҳар 100 та оилага ўртача 80 та холодильник, 146 та телевизор тўри келмоқда. Бу эса баъзи оилаларда икки-учтадан телевизор борлигини кўрсатади. Шунингдек, аҳолининг кир ювиш машинаси, пилесос, микротўлқинли печлар, шахсий компьютер ва бошқа зарур воситалар билан таъминланиш даражаси ортиб бормоқда.

Республикаимизда мобиль алоқа хизматида фойдаланувчилар сони 19 миллион нафарни ташкил этиб, ҳар бир оилага ўртача 3 та уяли телефон тўри келмоқда. Шунингдек, мамлакатимизда интернет абонентлари сони ўтган йилга нисбатан 18,3 фоизга ўсиб, ҳозирги пайтда 7 миллион 100 минг нафарни ташкил этмоқда.

Албатта, бу рақамлар охириги йилларда аҳолиимизнинг нафақат турмуш даражаси ошиб, аввало, ҳаётимиз сифати тобора юксалиб бораётганидан далолатдир.

2013 йилнинг ўзида қишлоқ аҳлига уй-рўзгор буюмлари сотиб олиш учун қарийб 68 миллиард сўмлик истеъмол кредитлари, ёш оилаларга уй-жой қуриш ва уларнинг шу борадаги интилишларини молиявий қўллаб-қувватлаш мақсадида 346 миллиард сўмдан ортиқ, яъни ўтган йилга нисбатан 10 фоиз кўп ипотека кредитлари ажратилганини таъкидлаш зарур.

Биз учун долзарб аҳамиятга эга бўлган аҳоли бандлигини таъминлаш учун жорий йилда 970 мингдан ортиқ иш ўрни яратилиб, уларнинг 60 фоизи қишлоқ ҳудудларида ташкил этилган, энг муҳими, касб-ҳунар коллежларини битирган 500 мингдан зиёд йигит-қизларимизни ишга жойлаштирганимизнинг ўзи энг катта ютуқларимиз қаторига қиради.

Яна бир устувор вазифамиз — ҳалқимиз саломатлигини муҳофаза қилиш, соғлиқни сақлаш тизимини такомиллаштириш ва самарасини ошириш, профилактика ишларини кучайтириш бўйича баҳарган ишларимиз ҳақида алоҳида тўхталиб ўтмоқчиман.

Тугурўқ ёшидаги 7 миллион аёл ҳамда 7 миллион 300 минг нафар бола тиббий кўрикдан ўтказилди, 195 минг нафар ёлғиз қариялар, ногирон ва пенсионерларга малакали тиббий ёрдам кўрсатилди.

Йил мобайнида мамлакатимиз бўйича 311 миллиард сўмлик бюджет маблағи ҳисобидан 146 та замонавий тиббиёт муассасаси фойдаланишга топширилди. Жумладан, Андижон вилоят қўп тармоқли тиббиёт марказида янги даволаш корпуси ва диагностика бўлими, болалар касалликлари санаторийи барпо этилди. Қашқадарь вилоятининг Чироқчи туманида тиббиёт бирлашмаси, Сурхондарё вилоятида кўп тармоқли болалар ва катталар тиббиёт марказлари, Фаргона вилоятининг Ўзбекистон ва Қўштепа туманлари тиббиёт бирлашмалари ва бошқа ўнлаб касалхоналар тубдан реконструкция қилинди.

Шу билан бирга, Тошкент шаҳридаги Педиатрия тиббиёт институти клиникасида ҳамда Республика педиатрия ихтисослашган илмий-амалий тиббиёт марказида янги жараҳотлик корпуслари ишга туширилди.

Биргина 2013 йилнинг ўзида Республика ихтисослашган хирургия марказининг кардиохирургия мажмуаси ва бошқа шундай шифохоналарда юрак-қон томир касалликларига қарши 4 мингдан зиёд бемор дардига даво топди.

Наманган ва Урганч шаҳарларида эса юрак клапанларини алмаштириш, тумға ва орттирилган юрак касалликларини операция қилиш, электр кардиостимулятор имплантацияси, эхокардиография каби даволашнинг янги усуллари йўлга қўйилди. Нукус, Қарши, Фаргона, Самарқанд, Бухоро, Жиззах шаҳарларида эса юрак қон томир узлуксиз мониторинг қилиб бориши амалиёти кенг ўтказилмоқда.

Шунингдек, Урганч, Нукус, Андижон, Самарқанд шаҳарларида лазер нури ва ультратовуш ёрдамида турли кўз касалликларини компьютер технологиялари асосида диагностика қилиш ва даволаш ишлари амалга оширилмоқда.

(Давоми 3-бетда)

АМАЛГА ОШИРАЁТГАН ИСЛОҲОТЛАРИМИЗНИ ЯНАДА ЧУҚУРЛАШТИРИШ ВА ФУҚАРОЛИК ЖАМИЯТИ ҚУРИШ — ЁРУҒ КЕЛАЖАГИМИЗНИНГ АСОСИЙ ОМИЛИДИР

Президент Ислон Каримовнинг Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганининг 21 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги маърузаси

(Давоми.
Боши 1, 2-бетларда)

Шу фурсатдан фойдаланиб, амалда татбиқ этилаётган диагностика ва даволашнинг мутлақо янги усул ва услубларини, энг замонавий технология ва техникани ҳаётимизга жорий этаётган, беморларимизни даволашда юксак маҳорат ва жонбозлик намойиш этаётган шифокорларимизга барча-барчамизнинг номимиздан миннатдорлик билдиришни ҳам қарз, ҳам фарз, деб биламан.

Таълим-тарбия тизимини янги босқичга кўтариш мақсадида анча тадбирлар амалга оширилди.

2013 йилда мамлакатимизда 756 та таълим маскани, мусиқа ва санъат мактаблари, болалар спорт объектлари янгитдан қурилди, реконструкция қилинди ва капитал таъмирланди. Замонавий компьютер синфлари, ўқув лабораториялари, устаконалар ташкил этилиб, зарур асбоб-ускуналар билан жиҳозланди.

Маълумки, шу йилдан эътиборан мамлакатимизда хорижий тилларни ўқитиш тизимини янада такомиллаштириш дастури доирасида умумтаълим мактабларининг 1-синфдан бошлаб хорижий тилларни чуқур ўрганиш йўлга қўйилди. Бу эса, албатта фарзандларимизнинг жаҳон илм-фани ва маданияти ютуқларини эгаллаши, етуқ ва малакали кадрлар бўлиб етиштириш учун янги имкониятлар очиб бериши билан айнисиз муҳимдир.

Жорий йилда 300 мингга яқин бола, жумладан, Оролбўйи худудидан 4 минг 500 нафар ўқувчи ҳамда кам таъминланган оилаларга мансуб 75 минг нафар боланинг ёзи оромгоҳларида имтиёзли дам олиши ташкил этилиб, уларнинг саломатлиги мустаҳкамланди.

Йилдан-йилга кучайиб бораётган бундай амалий ишларимизнинг табиий маҳсули ва натижасини юрдошларимиз, авваламбор, жондан азиз фарзандларимизнинг турли соҳаларда қўлга киритаётган ютуқларида кўришимиз мумкин.

Бу борада баъзи бир мисолларга тўхталадиган бўлсак, Тошкент шаҳрида ўтказилган 47-халқаро Менделеев олимпиадасида юртимиз ўқувчилари биринчи ўринни эгаллагани ҳаммамизга мамнуният етказди.

Ақл-заковат мусобақаси бўлмиш шахмат бўйича жаҳон чемпиони унвонига эришган 8 яшар Нодирбек Абдусатторовни оласизми ёки 5 яшар — эътибор беринг, 5 яшар — жажж ўғлонимиз Исламбек Синдировнинг Осиё чемпиони деган шарафли номга сазовор бўлганини оласизми, қани айтинг, азиз дўстлар, бундай ютуқлар билан фخرланмасдан, гурурланмасдан бўладими?

Мана, яқинда Польшада ўтказилган жаҳон чемпионатида яна бир мухиз спортчимиз — Руслан Нурудинов спортнинг энг мураккаб тури бўлган оғир атлетика бўйича кескин беллашувларда голибликни қўлга киритди. Хабарингиз бор, бу пахлавон йигит "Ўзбекистон ифтихори" деган юксак унвон билан тақдирланди.

Ватанимизнинг шону шухратини бутун дунёга тараннум этаётган, сафлари тобора кенгайиб бораётган бундай фарзандларимизни ҳар қанча қўллаб-қувватласак, ҳар қанча эъозласак, арзийди, албатта.

"Обод турмуш йили" деб ном олган йилда қилган катта ишларимиз қаторида янги уй-жойлар барпо этиш алоҳида ўрин тутди.

Бу ҳақда гапирганда, 147 та туманда 10 мингта намунавий уй-жой барпо этилгани ва бунинг учун аҳолига 1 триллион 400 миллиард сўмлик узоқ муддатли ва имтиёзли кредитлар ажратилганини таъкидлаш керак.

Бизнинг бу ишларимиз нафақат ён-атрофимизда, балки жаҳон ҳам-жамиятида ҳам катта қизиқиш уйғотмоқда. Жорий йилнинг апрель ойида айна шу масала бўйича, шунингдек, ноябрь ойида қуёш энергиясидан фойдаланишга бағишлаб Тошкент шаҳрида ўтказилган халқаро анжуманларда иштирок этган дунёдаги етакчи мамлакатлар ва нуфузли халқаро ташкилотларнинг вакиллари ана шундай уй-жойлар,

инфратузилма объектлари билан танишиб, бу ишларга юқори баҳо берганидан хабарингиз бор, албатта.

Фурсатдан фойдаланиб, бундай гўзал ва шинам уй-жойларни бунёд этаётган қурувчиларимизга, бизни бу масалада қўллаб-қувватлаб келаётган Осиё тараққиёт банки, Ислон тараққиёт банки каби халқаро молия институтларида халқимиз номидан ҳар қанча миннатдорлик билдирсак айна мудоаа бўлур эди.

Қадрли дўстлар! Ҳозирги вақтда бутун Ўзбекистонимиз, таъбир жоиз бўлса, улкан қурилиш майдониغا айланган. Хусусан, вилоятлар марказларини бош режа асосида ривожлантириш мақсадида йирик лойиҳалар амалга оширилмоқда.

Мисол тариқасида 2013 йилнинг ўзида биргина Урганч шаҳрида 344 миллиард сўмлик қурилиш ва ободонлаштириш ишлари бажарилганини айтиш ўринлидир. Ана шундай катта ҳажмдаги ишлар Қарши, Фаргона, Наманган, Нукус, Жиззах, Шахрисабз, Гулистон ва бошқа шаҳарларда, юртимизнинг барча вилоят ва туманларида ҳам давом этирилмоқда.

Яна бир муҳим вазифамиз — аҳолини марказлашган тармоқлар орқали тоза ичимлик суви билан таъминлаш масаласини оладиган бўлсак, жорий йилда 213 миллиард сўм маблағ ҳисобидан 1 минг 850 километрга яқин сув тармоғи тортилаб, 1 миллион 370 минг нафар аҳолининг сув таъминоти яхшиланган.

Шу билан бирга, Андижон, Бухоро, Навоий, Сурхондарё, Фаргона вилоятларида, Самарқанд, Бухоро, Термиз, Қўқон шаҳарларида айна шу мақсадда 96 миллион доллар қийматига 8 та йирик инвестиция лойиҳаси амалга оширилмоқда. Бу эса 365 минг аҳоли учун ичимлик суви таъминотини, шунингдек, оқова сув тармоқларини яхшилаш имконини беради.

Йил давомида автомобиль йўллари қуриш ва реконструкция қилиш, транспорт инфратузилмасини ривожлантириш бўйича улкан ишлар бажарилди.

Ўзбек миллий автомагистралининг 530 километрлик қисмида қурилиш ва реконструкция ишлари олиб борилади. Бундан ташқари, қишлоқ аҳоли пунктларини боғлайдиган 890 километрдан зиёд ички йўللар ва 200 километрдан ортиқ шаҳар ва посёлка кўчалари таъмирланди.

Кейинги вақтда мамлакатимизда кенг ва раво йўللар қуриш билан бир қаторда йўловчиларга транспорт хизмати кўрсатишни яхшилаш мақсадида ҳам кўп ишлар қилинмоқда.

Азим пойтахтимиз Тошкентда ва бошқа шаҳарларимизда ўзимизда ишлаб чиқарилган, қўни қувонтирадиган автобуслар ва енгил машиналар билан бирга, энг замонавий "Мерседес" автобуслари қатнаётганини, кўча ва майдонларимиз қиёфасини бутунлай ўзгартираётган бундай манзарани кўриб, ҳар қандай одам таъсирланмасдан қолмайди, десам, муболага бўлмайди.

Шу ўринда бир рақамга алоҳида эътиборингизни қаратмоқчиман. Айна зикр этилган тадбирларнинг барчасини амалга ошириш учун ички инвестициялар билан бирга Жаҳон банки, Осиё тараққиёт банки ва Ислон тараққиёт банкининг 3 миллиард доллардан ортиқ маблағини йўналтирилганининг ўзи, ўйлаيمانки, кўп нарсадан далолат беради.

Дастур доирасида жамиятимизнинг асосий бўғини бўлган маҳаллани обод қилиш вазифасидан келиб чиққан ҳолда, ўзини ўзи бошқариш тизими янада такомиллаштирилди, маҳалланинг ижтимоий-иқтисодий ҳаётимиздаги ўрни ва таъсирини кучайтиришга катта аҳамият берилди.

Авалло, ана шу мақсадда иккита муҳим қонун қабул қилинди. Жумладан, "Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисида"ги қонуннинг янги таҳририда ушбу тузилма фаолиятининг ташкилий асосларини такомиллаштириш, аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш бўйича унинг ваколат ва вазифалари янада кенгайтирилди.

Хабарингиз бор, шу кунларда мамлакатимизнинг барча худудларида фуқаролар йигини раиси (оқсоқоли) ва унинг маслаҳатчила-

ри сайлови давом этмоқда. Бу сайловнинг айна шу борада янги таҳрирда қабул қилинган қонун асосида ўтказилаётгани айнисиз эътиборлидир.

Жорий йилда маҳаллалар худудида янги гузарлар, савдо ва маиший хизмат кўрсатиш шохобчалари, болалар ва спорт майдончалари барпо этиш, ички йўллار ва йўлакларни таъмирлаш, кўп қаватли уйларнинг атрофини ободонлаштириш бўйича катта ҳажмдаги ишлар амалга оширилди.

Азиз юрдошлар! Ҳаммамизга аёнки, обод турмушнинг ҳаётимизнинг файзу фаршаси бўлмиш муҳтарам аёлларимизнинг оила ва жамиятдаги фаол иштирокисиз тасаввур этиб бўлмайди.

Биз одатда опа-сингилларимизнинг турли соҳалар ривожига қўшаётган катта ҳиссасини тан олиш, уларнинг ҳаётимиздаги ўрни ва ролини ошириш, ҳам сиёсий, ҳам ижтимоий нуфузини кўтариш, оғирини енгил қилиш ҳақида кўп гапирамиз. Лекин мен бу масаланинг бошқа томонига эътибор беришни истардим.

Қачон оила бахтли бўлади? Қачонки, аёл бахтли бўлса.

Қачон аёл бахтли бўлади? Авваламбор, унинг болалари, оила аъзолари, турмуш ўртоғи соғ-омон бўлса.

Қачон аёл ҳаётдан рози бўлади? Қачонки, оиласи тинч, рўзғори фаровон бўлса, эртанги кундан кўнгли тўқ бўлса.

Оилавий турмушда, бир қараганда, қўзга ташланмайдиган, лекин шундай муҳим умумшар борки — бу кир ювиш ёки овқат пишириш бўладими, бола тарбияси бўладими, умуман, ўрни саранжомга тутиш бўладими — бундай рўзғор ташвишларини фақат аёл зоти бажара олади.

Ҳаммамиз яхши биламиз, ҳаёт ташвишсиз бўлмайди, лекин шу ташвишлар камроқ бўлса, енгилроқ бўлса, ана шунда аёл ҳаётдан рози бўлади.

Биз иқтисодийётимиз бақувват бўлиб, имкониятларимиз кенгайиб бориши билан, аёлларимизнинг оғирини енгил қилиш масаласига тобора катта эътибор бермоқдамиз. Жумладан, жорий йилда ҳам бу йўлда кўпгина ишларни амалга оширдик.

Мамлакатимиз корхоналари томонидан 310 мингга яқин ошона ва уй-рўзғор ашёлари ишлаб чиқарилиб, 130 миллион сўмлик ана шундай буюмлар етқиёжманд оилаларга бепул тарқатилгани бунга мисол бўла олади.

Айна вақтда маҳаллалар, тураржой маззеларида янги-янги хизмат кўрсатиш шохобчалари, нон ёпадиган, кондитер маҳсулотлари тайёрлайдиган цехлар, бозорчалар ва савдо дўконлари, болалар майдончалари, оилавий дам олиш масканлари, гўзаллик салонлари барпо этилди.

Опа-сингилларимизга қулай шароит яратишга қаратилган бундай ишларимизни келгусида албатта давом эттирамиз ва бунинг учун маблағ ҳам, имконият ҳам топамиз.

Бунинг ақлоқ тасдиғи сифатида аёлларни тадбиркорликка кенг жалб қилиш ва уларни қўллаб-қувватлаш мақсадида 2013 йилда тижорат банклари томонидан 117 миллиард сўмдан зиёд кредит маблағи ажратилганини айтиш зарур. Бу эса ўз навбатида қанча-қанча хотин-қизларга ўз ишини очиб, оиласи, эл-юртимиз учун фойда келтириш, ҳаётдан ўз ўрнини топиш имконини бераётганини алоҳида таъкидлаш даркор.

Муҳтарам дўстлар!

"Обод турмуш йили"да бажарган ишларимиз ҳақида албатта узоқ гапирш мумкин. Мен бу ўринда диққат-эътиборингизни фақатгина битта кўрсаткичга қаратишни лозим, деб ҳисоблайман.

Дастур доирасида барча манбалар ҳисобидан 6 триллион 930 миллиард сўм ҳамда 471 миллион доллардан ортиқ маблағ сарфланганининг ўзи амалга оширган ишларимизнинг ҳажми ва қўлами қанчалар кенг ва улкан эканидан ақлоқ далолат беради.

Фурсатдан фойдаланиб, мана шундай олижаноб ва савобли ишга ўз ҳиссасини қўшган юртимиздаги давлат ва нодавлат ташкилотлари, фермерлик ва тадбиркорлик

субъектлари, бизга қўмак берган хорижий ва халқаро тузилмаларга, мана шу залда ўтирган чет мамлакатларнинг элчилари ва дипломатик ваколатхоналар вакиллари, шу эзгу йўлда сидқидилдан хизмат қилган барча инсонларга ўз номимдан, халқимиз номидан самимий миннатдорлик билдираман.

Хурматли анжуман иштирокчилари!

Энди сизлар билан кириб келаётган янги — 2014 йилга қандай ном бериш ҳақида маслаҳатлашиб, фикрлашиб олишимиз керак.

Азал-азалдан ҳар қайси ота-она ўз боласининг соғлом ва баркамол, ақл-заковатли, бахтли бўлишини истайди. Шундай фарзандни воёга етказиш, унинг ҳаётида муносиб ўрин эгаллашига эришиш — ота-онанинг энг улғу, энг муқаддас орзуси, десак, айна ҳақиқатни айтган бўламиз.

Биз соғлом деганда, нафақат жисмоний, балки маънавий жиҳатдан ҳам соғлом болани ўзимизга тасаввур этамиз.

Мустақилликнинг биринчи йилларидан бошлаб юртимизда соғлом она — соғлом бола масаласи давлат сиёсатининг устувор йўналишига айланган, кенг қўламли умуммиллий дастурларимиз доирасида амалга ошираётган улкан ишларимиз жаҳон миқёсида ҳам тан олингани сизларга яхши маълум.

Айна вақтда бугунги шиддатли замон, ҳаётнинг ўзи ёш авлод тарбияси борасида олдимизга янги-янги, ўта муҳим ва долзарб вазифаларни қўймоқда.

Ана шуларнинг барчасини ҳисоб-ҳисобга олган ҳолда, ҳар томонлама соғлом авлодни воёга етказиш борасидаги ишларимизни изчил давом эттириш ва юксак босқичга кўтариш мақсадида мен кириб келаётган янги — 2014 йилни мамлакатимизда "Соғлом бола йили" деб эълон қилишни тақкиф этаман.

Қадрли юрдошлар!

Соғлом боланинг дунёга келиши, бақувват бўлиб ўсиб-ўлғайиши қўпгина талаб ва омилларга боғлиқ эканини ҳаммамиз яхши тушунамиз. Лекин улар орасида шундай ўта муҳим, ҳал қилувчи мезонлар борки, бу ҳақда алоҳида тўхталишни ўринли, деб биламан.

Биринчидан, соғлом бола — аввало соғлом ва ақил оиланинг меъвасидир.

Биз оилани ҳаёт давомийлигини таъминлайдиган, келажак насллар тақдирига қучли таъсир кўрсатадиган тарбия маскани сифатида қабул қиламиз. Катталарга ҳурмат, кичикларга иззат, одамийлик, меҳр-оқибат, ўз Ватанига, халқига садоқатли бўлиш каби олижаноб фазилатлар айнан оила муҳитида шаклланади.

Табиийки, соғлом боланинг туғилиши биринчи навбатда онанинг соғлиғига боғлиқ. Бўлғуси она илоҳий неъмат бўлмиш дилбандани тўққиз ой мобайнида ўз бағрида асраб-авайлаб, ёруғ дунёга келтирадиган. Ана шу жараёнда аёл қандай қўнларни, қандай руҳий ҳолатни бошидан кечирса, бу албатта она вужуди орқали ҳомилага таъсир ўтказад.

Аёлни қадрлаш, оғир ишлардан ҳалос этиш, турли касалликлардан ҳимоя қилиш — эр кишининг бутун жамиятимизнинг бурчидир. Бу ҳақиқат қуруқ гапга айланиб қолмаслиги учун барчамиз жавобгарлиқни сезишимиз, уни амалий ишларимизда намоён қилишимиз даркор.

Бундан хулоса шуки, "Соғлом бола йили" давлат дастурини ишлаб чиқишда биринчи навбатда оналик ва болалиқни ҳимоя қилиш, оилаларда соғлом муҳитни кучайтириш, уларнинг иқтисодий ва маънавий асосларини мустаҳкамлаш каби масалалар эътиборимиз марказига қўйилиши зарур.

Иккинчидан, соғлом болани воёга етказишда соғлиқни сақлаш тизимининг ўрни ва таъсири, шу билан бирга, маъсулияти катта экани ҳаммамизга яхши аён.

Дастурда оналар ва болалар саломатлигини асрашга хизмат қилувчи табиийёт муассасалари — бу скрининг ва перинатал марказлари бўладими, аёллар тиббий консултациалари, туғруқхона комплекслари бўладими, гинекология ва патронаж хизматлари, қишлоқ врачлик пунктлари бўладими — уларнинг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш, за-

монавий асбоб-ускуналар, малакали кадрлар билан таъминлаш борасидаги ишларимизни кучайтириш ўз ифодасини топиши керак.

Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилотининг тавсияларини инобатга олган ҳолда, ҳомиладор аёллар ва гўдакларнинг ўз вақтида ва сифати билан бойитилган маҳсулотлар ишлаб чиқариш, болаларни доимий тиббий кўрикдан ўтказиш, турли касалликлардан асраб-авайлаш каби тадбирларнинг самарасини янада ошириш лозим.

Барчамиз яхши тушунамизки, соғлом фарзандни тарбиялашда аҳоли, айнисиз, ота-оналарнинг тиббий маданияти муҳим аҳамият касб этади. Шу сабабли дастурни шакллантиришда тиббий маданиятни оширишга қаратилган кенг қўламли тушунтириш ишларида алоҳида ўрин бериш айна мудоаа бўлади.

Маълумки, мамлакатимизда бўлғуси келин-куёвларни никоҳдан олдин тиббий кўрикдан ўтказиш тартиби жорий этилган бўлиб, бундан кўзланган асосий мақсад соғлом оила қуриш, соғлом болани дунёга келтириш билан боғлиқ. Лекин, афсуски, инсоннинг ҳаёти, туғилжак фарзанднинг тақдирига бевосита дахлдор бу масалага баъзан маъсулиятсизлик билан қараш, сохта ва юзаки хулосалар чиқариш, тиббий маълумотномаларни сотиб олиш каби ҳолатлар учраб туриши барчамизни ташвишга солиши зарур. Айна шу масалалар учун, умуман, болаларнинг соғлом, бениқсон бўлиб туғилиши учун тиббиёт ходимларининг маъсулиятини, керак бўлса, жавобгарлигини ошириш вақти келди, деб ўйлаيمان.

Учинчидан, соғлом болани воёга етказишда таълим-тарбия ва спортнинг ўрни ва таъсирини янада кучайтириш лозим.

Дастурда мактабгача таълим муассасалари тизимини кенгайтириш, уларни замонавий жиҳозлаш, юқори малакали педагог ва мураббийлар билан таъминлаш, болаларни мактабга тайёрлашнинг сифатини ошириш масалаларига алоҳида эътибор қаратиш даркор.

Боланинг жисмоний ва психологик ривожланишидаги энг асосий давр — бу бошланғич синф давридир. Ҳаммамиз биламизки, собиқ тузум шароитида бу масалага, афсуски, етарлича аҳамият берилмас эди. Қуйи синфларда дарс бериш асосан ўрта махсус маълумотга эга бўлган муаллимларга топшириб қўйилган эди.

Бошланғич таълимнинг ёш авлод ҳаётидаги роли ва аҳамиятини ҳисобга олган ҳолда, бундай номақбул ҳолатга бутунлай барҳам берилди ва бу вазифани бугунги кунда олий маълумотли, юксак профессионал маҳоратга эга бўлган педагог кадрлар бажармоқда.

Қабул қилинадиган дастурда бошланғич таълимнинг сифатини ошириш, таълим стандартлари, ўқув дастурлари, дарслик ва қўлнамаларни такомиллаштириш, илгор педагогик ва ахборот-коммуникация технологияларини кенг жорий этиш масалалари ўз ифодасини топиши керак.

Айна пайтда, "Соғлом бола йили"нинг мақсад ва вазифаларидан келиб чиққан ҳолда, фарзандларимизда, айнисиз, қиз болалар ўртасида жисмоний тарбия ва спортга меҳр уйғотиш, соғлом турмуш тарзини тарғиб қилиш бўйича аниқ тадбирларни белгилаб, амалга оширишимиз лозим.

Тўртинчидан, ҳаммамизга аёнки, фарзандларимизни, янги авлодни соғлом ва баркамол қилиб воёга етказиш, бу мақсадга эришиш, ҳеч шу-бҳасиз, давлатимиз, жамиятимизнинг эътибор марказида туриши, олиб бораётган сиёсатимизнинг устувор йўналиши бўлиб қолиши шарт.

Шу мақсадда бу масалага дахлдор ва мутасадди бўлган қайси соҳа, қайси жараёни олмайлик, уларнинг барчасини ривожлантириш, янги, замонавий босқичга кўтаришда давлатнинг роли катта экани ҳеч кимга сир эмас.

Шуни ҳисобга олган ҳолда, "Соғлом бола йили" дастури таркибиде аввало йиллик режаларни белгилаб олиб, турли соҳа ва тармоқлар, айнисиз, ижтимоий соҳаларга тааллуқли масалаларни ечиш учун ажрати-

ладиган маблаг бўладими, бугунги кунда замоннинг ўзи талаб қилаётган шароитларни тўғдириб бериш бўладими — буларнинг барчасига эътиборни янада кучайтиришимиз зарурлиги ўз-ўзидан равшан, албатта.

Шу билан бирга, бу масала бўйича жаҳон миқёсидаги илгор, тараққий топган давлатларнинг тажрибасини ўрганиш ва юртимизда жорий этиш алоҳида аҳамият касб этади.

Бешинцидан, соғлом бола тарбиясида маҳалла ва ижтимоий тузилмаларнинг катта ўрни ва таъсири борлиги ҳақида, ўйлаيمانки, ортиқча гапиринишнинг ҳождати йўқ. Халқимизнинг "Бир болага етти маҳалла ҳам ота, ҳам она" деган мақолида албатта чўқур маъно муҳассам.

Шу нуктаи назардан қараганда, маҳалла оқсоқоллари, диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчилик, маҳалла посбонларининг жамиятимиз ҳаётида тинчлик ва оқсоқоллик, хушёрлик ва оғоҳлик муҳитини мустаҳкамлашдаги маъсулияти янада ортади.

Айнисиз, қиз болаларни тарбиялаш, уларнинг замонавий билим ва касб-хунарларни эгаллашга ёрдам бериш, эрта никоҳларнинг, оилавий низоларнинг олдини олиш, урф-одат ва маросимларни ихчам ва тартибли ўтказиш каби вазифаларни ҳал қилишда биз қўни қўрган, тажрибали маҳалла фаолларига таянамиз.

Ўғил-қизларимизни турли тўғаракларга жалб этиш, кам таъминланган оилаларга моддий ва маънавий ёрдам кўрсатиш, ўз худудида тадбиркорлиқни ривожлантириш ва яна бошқа масалалар бўйича маҳалла фаолиятини кучайтириш, уларга янги ваколат ва имкониятлар бериш лозим.

Ўз-ўзидан равшанки, юқорида баён этилган барча устувор вазифаларни амалга ошириш учун мавжуд норматив-ҳуқуқий базани янада такомиллаштириш талаб этилади.

Қадрли ва мухтарам ватандошлар!

"Соғлом бола йили"нинг асосий мақсад ва вазифалари ҳақида гапирар эканмиз, халқимиз ўртасида кенг тарқалган "Фарзандлари соғлом юрт қудратли бўлур, қудратли элнинг фарзандлари соғлом бўлур" деган хикматли иборатни яна бир бор эсга олишимиз ўринли бўлади, деб ўйлаيمان.

Бизнинг мана шу қисқа — йигирма икки йиллик янги тарихимизда мустақилликка эришиш, миллий давлатчилигимиз, эртанги кунимизни қуришда, юртимизни турли бало-қазолардан асрашда, Ўзбекистонимизнинг ривожланган демократик давлатлар қаторига кириши, жаҳон майдонида муносиб обрў топишида энг асосий омиллар нима деб сўраса, мен, бошқа мезонларни инкор этмаган ҳолда, бир фикрни алоҳида таъкидлаб айтган бўлардим: бу йўлдаги энг муҳим омил — бу ҳам жисмоний, ҳам маънавий жиҳатдан соғлом, ҳеч кимдан кам бўлмасдан, бошини баянд кўтариб яшайдиган, Ватанимизнинг тақдирини ва келажаги учун маъсулиятини ўз зиммасига олишга, халқимиз интилаётган келажак буюқ давлатни барпо этишга қодир бўлган баркамол авлодимиз, десам, айна ҳақиқатни айтган бўлам.

Ана шу ҳақиқатни эл-юртимиз чўқур англаб, юрагидан, қалбидан ўтказиб, кенг қўллаб-қувватлаётгани бугунги кунда ўз ҳосили ва натижасини

Фуқаро – жамият – давлат муносабатларида

Конституция ва қонун устуворлиги

РИВОЖЛАНГАН мамлакатлар таърибаси шуни кўрсатадики, жамиятда Конституция ва қонун устуворлигини қарор топтиради, инсон ҳуқуқлари ҳамда эркинликларини ҳимоя қилишда суд ҳокимияти мустақиллиги ва холислигисиз, уларнинг фаол ва таъсирчан иштирокисиз ҳеч бир давлат ўзининг демократик тараққиёт йўлини таъминлай олмайди. Шунинг учун ҳам мамлакатимизда суд-ҳуқуқ соҳасида босқичма-босқич амалга оширилаётган ислохотлардан кўзланган бош мақсад, авваламбор, суд ҳокимиятини фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилувчи мустақил ҳокимият сифатида шакллантиришга қаратилган.

МАМЛАКАТИМИЗ ҳаётида юз бераётган ўзгаришлар, ҳоҳ иқтисодий, ҳоҳ сиёсий йўналишда бўлсин, барчаси ягона мақсад — ҳар жиҳатдан ривожланган демократик давлат барпо этишга, ҳалқимизнинг ҳаёт даражасини яхшилашга, энг муҳими, ўзимизга хос тараққиёт модели ҳуқуқий пойдеворининг изчиллиги ва барқарорлигини мустаҳкамлашга қаратилганлиги билан алоҳида диққатга сазовордир. Бу эса, бир томондан, Асосий Қонунимиз бугунги ва эртанги тараққиёт йўлининг бош ҳуқуқий асоси бўлиб хизмат қилаётганлигини кўрсатса, бошқа томондан, Конституцияимизнинг яшовчанлиги, тараққиёт билан узвийлиги, ҳалқаро ҳуқуқнинг умумэтироф этилган тамойиллари ва нормаларига ҳамоҳанглигидан, бир сўз билан айтганда, унинг ҳалқчил қомус эканлигидан далолат беради.

Босқичма-босқич амалга оширилган ислохотлар натижаси ўлароқ, бугун Ўзбекистон инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тизимини изчил демократлаш-

тириш, Асосий Қонунимиз ва ҳалқаро ҳужжатларда мустаҳкамланган инсон ҳуқуқларига оид умумэтироф этилган принцип ва нормаларни нафақат тан олиш, балки амалда рўёбга чиқариш йўлида дадил қадам ташлаётган давлат сифатида ҳалқаро ҳамжамият сафидан мустақил жой эгаллади. Хусусан, мамлакатимизда инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ва суд-ҳуқуқ тизимини ислоҳ этиш соҳасида ўзига хос илғор миллий қонунчилик тизимини, ҳар қайси фуқароннинг мустақил ва холис суд томонидан ҳимояланиш ҳуқуқини таъминлаш, суд-ҳуқуқ тизимини тубдан ислоҳ этиш, қонунчиликни либераллаштириш, одил судлов фаолиятининг сифат ва самарадорлигини ошириш, судларнинг мустақиллиги, масъулиятини, уларнинг роли ҳамда таъсирини кучайтириш, яъни жамиятимизда суд назорати институти қарор топтиришининг ўзига хос концепцияси яратилганлиги алоҳида аҳамият касб этди.

Аввало, суд ҳокимияти устидан прокуратура

органларининг назорат функциялари тўлиқ бекор қилинди. Суд қарорларининг ижросини тўхтатиб туриш ҳуқуқи прокуратура органлари ваколатларидан чиқарилди. Жиноят ишлари юретиш босқичида суд назорати кучайтирилди. Миллий қонунчилигимизга “хабеас корпус” институти босқичма-босқич жорий этилди.

Шунингдек, ҳуқуқни қўллашнинг ташкилий-ҳуқуқий механизмларини, одил судловни амалга ошириш процессуал асосларини такомиллаштиришга доир чора-тадбирлар одил судловнинг муқаррарлигини, тезкорлиги ва қонунчилигини таъминлашда суднинг ролини оширишга қўмаклашди.

Айниқса, давлатимиз раҳбари томонидан эълон қилинган “Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепция”си асосида Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва амалдаги қонунларга бир қатор муҳим, таъбир жоиз бўлса, мустақил тараққиёт йўлими-

да ўзига хос янги саҳифа очган ўзгариш ва қўшимчаларнинг киритилганлиги Асосий Қонунимизнинг замон талаблари билан ҳам-оҳанглигини, унинг ҳалқчиллигини яна бир бор тасдиқлади.

Концепция доирасида “Суд-ҳуқуқ тизимини янада ислоҳ қилиш муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгариш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги Қонуннинг қабул қилинганлиги инсон ҳуқуқлари бўйича ҳалқаро ҳуқуқ тизимида умумэтироф этилган “хабеас корпус” институти нормаларини миллий қонунчиликка янада изчил татбиқ этиш ҳамда қўллаш соҳасини кенгайтириш йўлида муҳим қадам бўлди.

Жумладан, ушбу қонун билан жиноят-процессуал қонунчилигидан суднинг жиноят ишлари кўзгагиш ваколатининг бекор қилинганлиги, шахсини лавозимдан четлаштириш ва тиббиёт муассасасига жойлаштириш каби процессуал мажбурул чораларини қўллаш ваколатлари судларга берилганлиги бунинг ёрқин мисолидир.

Бундан ташқари, суд-ҳуқуқ соҳасидаги ушбу ислохотларнинг мантаний давомий сифатида ўтган йили давлатимиз раҳбари томонидан суд тизими фаолиятининг самарадорлигини таъминлашда муҳим

омил бўлган бир қатор фармонлар имзолаганлигини таъкидлаб ўтиш лозим.

Ўз навбатида, ушбу ҳужжатларда, суд ишларини мустақил юретиш ва суд тизими ходимларининг ижтимоий муҳофазасини тубдан яхшилаш, шунингдек, суд ҳокимиятининг нуфузини мустаҳкамлаш, замонавий демократик талабларга жавоб берадиган суд кадрларини танлаш ва тайинлашнинг самарали тизимини яратиш борасида муҳим аҳамиятга эга бўлган вазифалар белгиланган.


Хулоса қилиб айтганда, бугун мамлакатимизда қайси соҳада ислохотлар амалга оширилган ёки қандай қонунлар қабул қилинган бўлмасин, ушбу ислохотлар, авваламбор, Асосий Қонунимизда мустаҳкамланган инсон ва фуқароларнинг конституций ҳуқуқ ҳамда эркинликларига оид принцип ва нормаларни изчиллиқ билан татбиқ этишга, суд ҳокимиятининг мустақиллиги ва холислигига эришишга, фуқаро — жамият — давлат муносабатларида Конституция ва қонун устуворлигини таъминлашга қаратилган.

Зотан, Ўртбошимиз таъбири билан айтганда, “Бугун жамиятимизда қандай ютуқ ва марраларга эришаётган бўлсак, буларнинг пойдеворида Конституциямиз — буюк Ҳаёт қомусимиз турибди”.

Тўлқин ТУРСУНОВ,
Олий Мажлис
Қонунчилик палатаси
Қонунчилик ва суд-ҳуқуқ масалалари қўмитаси раисининг ўринбосари

Тинчлик ва оёйишталик кафолати

Ҳар бир халқ, миллат ва элат уни эъзолайди



ТИНЧЛИК — буюк неъмат. Қадим-қадимдан тинчликни сақлаш инсоният олдида турган гоята муҳим масалалардан бўлиб келган. Тинчликка қарши қилинган ҳар қандай таҳдид оғир талафот ва айронгарчиликни келтириб чиқариши, иқтисодиётнинг издан чиқишига сабаб бўлиши ва фуқароларнинг турмуш тарзига салбий таъсир кўрсатиши ўтмишдан маълум. Тинчликни бузишга қаратилган ҳар қандай ҳатти-ҳаракат нафақат айрим ҳудуд ёки давлатни, балки бир неча давлат ва халқларнинг манфаатларига путур етказолади ва таҳдид солади. Айниқса, ҳаёон урушларида инсоният бошига тушган оғир ва ачинарли қуфлатлар инсонни тинчлик, оёйишталик ва хотиржамликни чуқур мушоҳада этишга ундайди.

ИНСОНИЯТ тарихида кейинги беш минг йилда тахминан ўн беш мингдан ортиқроқ катта-кичик урушлар бўлган экан. Ҳолбуки, инсон фақат тинчлик ва оёйишталик барқарор бўлган тақдирдагина ўз олий мақсадларига эришади, моддий ва маънавий юксалишқа кўтарилади. Мамлакатимиз мустақилликка эришган дастлабки кўнлардан оқ тинчликни сақлаш давлат сиёсатининг устувор йўналиши сифатида белгиланганлиги нафақат жамоатчилигимизга, балки халқаро ҳамжамиятга маълум.

“Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси” талаблари асосида парламент, жамоатчилик назорати институтиларининг такомиллашуви, жамиятда сиёсий партиялар ролининг ошиши, халқаро стандартларга мос ҳолда даврий демократик сайловларнинг ўтказилиши, суд-ҳуқуқ тизимининг ислоҳ этилиши, инсон ҳуқуқий маданиятининг юксалиши, миллатлараро тотувлик, диний бағрикенгликнинг замонавий мазмун касб этиши юрт тинчлиги, оёйишталиги ва фаровонлигини таъминлашда муҳим ўрин эгалламоқда.

Конституция ва қонунлар тинчлик ва оёйишталикнинг қудратли қуроли ва пойдеворидир. Чунки мустақил давлатимиз Конституциясининг муқаддаслигида белгилангандек Ўзбекистон халқи фуқаролар тинчлиги ва миллий тотувлигини таъминлаш мақсадини назарда тутиб, Конституцияни қабул қилганлиги тинчликсевар гояларга содиқлигинининг ёрқин намунаси. Тинчлик ва оёйишталик демократик умуминсоний ва миллий қадриятларини рўёбга чиқаришда муҳим ўрин тутаяди. Шу боис, тинчлик ва оёйишталикнинг сақланиши инсон ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилишнинг асосий шартидир. Чунки ҳуқуқ ижтимоий ҳамжиҳатликни сақлаш, тартиб-интизомга қатъий риоя этиш, эркинлик, адолат ва тенгликни қарор топтириш воситасидир.

Барчамизга маълумки, энг устувор ва муқаддас ҳуқуқлардан бири — бу тинч яшаш ҳуқуқидир. Давлат ва жамият олдида турган асосий вазифа инсонларнинг тинч яшаш ҳуқуқини қонун ҳужжатларига мувофиқ қафолатлаш ва уни рўёбга чиқариш учун барча чораларни кўриш талаб этилади. Бугунги кунда тинчлик ва оёйишталикни сақлаш учун ҳарбий қудрат, Қуроли қуларнинг роли ва ўрнига баҳо берган ҳолда инсон маънавий оламнинг даҳслислигини таъминлаш йўли долзарб ва нозик масала эканлигига жиддий эътибор қаратиш зарур. Шу боис, халқимиз маънавий оламни ҳар қандай ҳавф ва таҳдидлардан асраш тинчлик ва оёйишталикнинг хал қилувчи омилдир. Глобаллашув шароитида умуминсоний қадрият ва маънавият тинчлик ва оёйишталикни сақлашнинг қудратли қуролига айланмоқда. Шу жиҳатдан давлатлараро муносабатларда умумэтироф этилган халқаро ҳуқуқ нормаларига асосланган таъсирчан самарали воситаларидан оқилона фойдаланишнинг давр тақозо этмоқда.

Президентимиз томонидан олиб борилаётган тинчликсевар сиёсат нафақат жамоатчилик, қолаверса, халқаро ҳамжамият томонидан ҳар томонлама қўллаб-қувватланаётганлиги давлатимизнинг дунёда тутган ўрни, нуфузи ва обрўсининг тобора юксалиб бораётганлигидан далолат беради. Айниқса, давлатимиз раҳбари томонидан 9 май — Хотира ва қадрлаш куни, деб эълон қилинганлиги, бу кун мамлакатимизда умумхалқ байрами сифатида кенг нишонланаётганлиги халқимиз манфаатига тўла мос келишининг ёрқин исботидир. Бир томондан аждодлар хотирасини ёд этиш, иккинчи томондан эса осмоний мусофоллиги, юртимиз равақли йўлида хизмат қилган ота-боболаримизни қўни қўйган инсон сифатида ҳурмат-иззатини жўй-жойига қўйиш, ҳар бир ватанпарвар инсоннинг муқаддас бурчи ва олижаноб фазилатидир, десак муболага бўлмайди.

Давлатимиз раҳбари томонидан Ўзбекистонга мос ва хос бўлган ривожланишнинг “Ўзбек модели” ҳам тинчлик ва оёйишталикнинг миллий стратегик воситасидир. Унинг ижтимоий ҳаётга изчил татбиқ этиб келинаётганлиги ҳар томонлама ютуқ ва марраларга эришиш таъминлаш имконини бермоқда. Тинчлик, оёйишталик ва хотиржамлик ижтимоий қадрият бўлиб, ўзининг сиёсий, иқтисодий, ҳуқуқий, маънавий-маърифий жиҳатларига эгадир. Ўзбекистонда яратилган сиёсий тизим тинчлик ва оёйишталикни сақлашнинг кучли воситаси бўлиб ҳисобланади.

Шухрат РЎЗИНАЗАРОВ,
юридик фанлар доктори,
профессор

Инсон эрки, шаъни ва қадр-қиммати

улуғ қадриятдир

АСОСИЙ Қонунимизда демократия ва умуминсоний принципларни амалга оширишнинг кафолатлари ўз ифодасини топган. Давлатимиз раҳбари томонидан ишбало қилган тараққиётимизнинг машҳур беш тамойили ана шундай эзгу гояларни ҳаётга жорий этиш йўлида муҳим дастуриламал вазифасини ўтаб келмоқда. Айниқса, қонун устуворлиги ва барча фуқароларнинг қонун олдида тенглиги тамойили суд-ҳуқуқ соҳасида ислохотларга замин яратди.

ДЕМОКРАТИК ҳуқуқий давлат, кучли фуқаролик жамияти барпо этиш йўлини танлаган Ўзбекистон инсон ҳуқуқлари ва манфаатларини жамиятини ривожлантириш ва давлат қурилишининг, бутун ички ва ташқи сиёсатининг энг устувор йўналиши этиб белгиланди. Шунинг учун ҳам Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси Ўзбекистон Республикаси мустақилликка эришгандан кейин қўшилган биринчи халқаро ҳуқуқий ҳужжат бўлди. Мазкур декларация қондалари Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси, инсоннинг шахсий ҳуқуқ ва эркинликлари, сиёсий, иқтисодий ва ижтимоий ҳуқуқларининг ишончли ҳимоя қилинишини таъминлайдиган миллий қонунчилик меъёриларида ўз ифодасини топади.

Мустақиллик шарофати туфайли юртимизда жинсий жазоларнинг либераллаштирилиши жазоланишнинг репрессив, озодликдан маҳрум қилиш ҳолларини қисқартириш ҳисобига қонунчиликнинг адолат ва инсонийлик каби тамойилларининг кучайиши ва амалда қўлланилишини таъминлашга эришилаётган мамлакатимизда инсон ҳуқуқларининг олий қадрият даражасига кўтарилганидан далолатдир.

Истиқлолгача бўлган даврда жиноят қонунчилигимизда ўлим жазоси билан боғлиқ 30 дан ортиқ моддалар бўлган, босқичма-босқич амалга оширилаётган ислохотлар туфайли бугунги кунда бутунлай бекор қилинганлигининг замирида ҳам айнан шундай мақсад муқассам. Зеро, жиноятчиликнинг олдини олиш, унга қарши курашиш самарадорлиги жазонинг оғирлиги ва шафқатсизлигига эмас, балки биринчи навбатда, қонунни бузган шахсининг жазо муқаррарлигини нечоғлиқ англашига боғлиқ.

Шу ўринда ўрта асрларда рўй берган қизиқ бир воқеани ёдга олсак. Қисқаси, ўша даврда чўнтаккасар ўғирлар учун ўлим жазоси қўлланилган. Қатл бошқаларга сабоқ бўлиши учун кенг майдонларда амалга оширилган. Шундай ижролардан бири туғанидан сўнг тўпланган одамлардан 17 нафарининг чўнтаги кесиб кетилганлиги аён бўлган экан.

Демак юқорида таъкидланганидек, жазонинг оғирлиги жиноятчи қамайишига сабаб бўлади, деган қараш мутлақо нотўғридир. Аксинча, жазонинг муқаррарлигини одамлар онгига чуқур сингдиришни яхши йўлга қўйишимиз лозим.

Президентимизнинг 2005 йил 1 августда қабул қилган “Ўзбекистон Республикасида ўлим жазосини бекор қилиш тўғрисида”ги Фармонида биноан 2008 йилнинг 1 январидан республикамизда ўлим жазосига жинсий жазо тури сифатида барҳам берилди.

Ўлим жазосини бекор қилиш тўғрисидаги Президент Фармони БМТ Ниёзига, Инсон ҳуқуқларининг умумжаҳон декларациясига, Фуқаролик ва Сиёсий ҳуқуқлар тўғрисидаги Халқаро пактга, Ижтимоий ва иқтисодий ҳуқуқлар тўғрисидаги Халқаро пактга ва бошқа халқаро ҳуқуқий меъёрларга мосдир.

Шуни ишонч билан айтиш мумкинки, мамлакатимиз суд-ҳуқуқ тизимида амалга оширилаётган ислохотлар инсоннинг асосий ҳуқуқи — яшаш ҳуқуқини ҳимоя қилишни назарда тутаяди.

Демократик ҳуқуқий давлат барпо этиш, фуқаролик жамиятини шакллантириш мақсадларига интилишимиз нафақат замон талаби, балки буюк аждодларимиз давлати ҳамдир.

Соҳибқирон Амир Темурининг “Куч — адолатдир”, деган улуғ ғоҳимати тафаккуримизни доимо ёритиб туради.

Дарҳақиқат, жамиятда қонун устувор ва адолат тантана қилмас экан, ҳуқуқий давлатни тасаввур этиб бўлмайди. Шу боис Ўзбекистоннинг бозор муносабатларига ўтишидаги асосий тамойиллардан бири — қонун устуворлигидир. Бу ҳаётнинг барча соҳаларида қонуннинг мутлақ ҳукмронлигини ўрнатишни тақозо этади.

Конституциянинг 15-моддасида “Ўзбекистон Республикасида Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва қонунларининг устуворлиги сўзсиз тан олинади.”

Давлат, унинг органлари, мансабдор шахслар, жамоат биришмалари, фуқаролар Конституция ва қонунларга мувофиқ иш кўрадилар”, деб таъкидланади.

Ўзбекистонда туғилиб, унинг заминида яшаётган, меҳнат қилаётган ҳар бир киши миллий мансублиги ва диний эътиқодидан қатъи назар, мамлакатнинг тенг ҳуқуқли фуқароси бўлиши учун ҳуқуқий, сиёсий ва маънавий шарт-шароит яратилишига эришилди.

Конституциянинг ижобий таъсири сиёсий ҳаётнинг демократлашувида, давлат ҳокимиятининг ташкил этилишида, иқтисодий соҳанинг эркинлаштирилишида, жамиятнинг маънавий янгилашишида, ҳалқнинг моддий фаровонлиги барқарор равишда олиб бораётганлигидан аққол кўриниб турибди.

Баҳодир ҚАРШИЕВ,
Адлия вазирлигининг
Қонунчиликка риоя этилиши
устидан назорат қилиш
Бош бошқармаси Жизжақ вилояти
худудий бўлими бошлиғи

Ўқув-машғулот Бахтимиз пойдевори

БОШ қомусимиз қабул қилинганга 21 йил тўлди, шу муносабат билан мамлакатимизда кенг нишонланган байрам шу-қуқи халқ-ҳамон қўниларга қувонч улашмоқда. Зеро, Конституция жамиятда қонун устуворлигини таъминлашга, шахс, оила, жамият, давлатнинг ҳуқуқ ва манфаатларини муҳофазасини кучайтириш, аҳолининг ҳуқуқий маданиятини ошириш, фуқароларни қонунга бўйсунуш ва ҳурмат руҳида тарбиялашда дастуриламал ҳужжат вазифасини ўтамоқда.

— АЛОҲИДА таъкидлаш керакики, МДҲда Ўзбекистон биринчилардан бўлиб ўз Конституциясини қабул қилди. Бу эса дунё сиёсий харитасида буюк воқеа, янги демократик давлат — Ўзбекистон Республикаси пайдо бўлганлигини акс эттирди, — деди Адлия вазирлигида ўтказилган “Конституция — бахтимиз пойдевори” мавзусидаги ўқув-машғулот ишчи томи, Юристар малакасини ошириш марказининг Ўзбекистонда демократик жамият қуриш назарисига ва амалиёт кафедраси мудири, юридик фанлар доктори Бобоқул Тожев.

Дарҳақиқат, неча йилдирки, Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ҳаёт синовларидан муваффақиятли ўтиб келмоқда. Ана шу давр мобайнида Конституция фуқаролар тинчлиги, миллий тотувлик, шахс ва сайлов эркинлигига қафолат, барқарор сиёсий вазиятга эришиб келаяётганлигининг пойдевори сифатида хизмат қилмоқда. У мамлакатимизда ҳавфсизлик ва барқарорлиқни, давлатимизнинг ҳуқуқий яхлитлигини, барчамизнинг тинчлигимиз ва юртимиз оёйишталигини таъминлашда асосий омил бўлмоқда.

Конституцияда фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини билан бирга уларнинг мажбуриятлари ҳам белгиланган. Унга кўра, мамлакатимиз фуқаролари Конституция ва қонунларга сўзсиз риоя этиши, бошқаларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини, шаъни ҳамда қадр-қимматини ҳурмат қилиши, ҳалқимизнинг тарихий, маънавий ва маданий меросини авайлаб-асраши, атроф табиий муҳитга эътиёткорона муносабатда бўлиши, солиқ ва маҳалла йиғилишини тўлаши ҳамда Ўзбекистон Республикасини ҳимоя қилиши лозим.

Хулоса қилиб айтганда, мазкур ўқув-машғулот ўзгача руҳда ўтди. Бунини иштирокчилар томонидан йўлланган саволлар ва мутахассиснинг батафсил жавобларидан ҳам билиш мумкин.

Адлия вазирлиги Ҳуқуқий тарғибот ва ҳуқуқий таълим бошқармаси

Фахр Эзгу максадларга бошлагувчи ҳуқуқий ҳужжат

МУСТАҚИЛЛИК юртимизда фаровон ҳаёт кечирish, ҳуқуқий демократик давлат ва фуқаролик жамиятини барпо этиш имкониятини яратди. Хусусан, у ҳар бир фуқароннинг иқтисодий-ижтимоий ва сиёсий соҳаларда истеъдод ва қобилиятини тўла намоён этиши, озод ва тинч фаровон турмуши учун мустаҳкам тамаил тошини қўйди. 1992 йил 8 декабрда Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси қабул қилиниши эса мустақиллигимизни қўниий мустаҳкамлаб, давлатимизнинг тузиллиши ва келажак тараққиётининг ҳуқуқий асосларини белгиллаб берди.

Зеро, Президентимизнинг “Ватан саждагоҳ каби муқаддасдир” номли асарида “Конституция — жамият ҳаётининг пойдевори, мамлакатдаги тинчлик, хотиржамлик ва миллий тотувлик негизи, унинг фуқаролари эркинликларининг ҳуқуқий қафолатидир”, дейилади. Дарҳақиқат, Конституция мамлакатимизнинг ўзига хос тараққиёт йўлини белгиллаб берди. Унинг муқаддаслигида ҳалқимизнинг мақсади инсонпарвар демократик ҳуқуқий давлат барпо этиш эканлиги мустаҳкамланди. Юртимизда амалга оширилаётган ҳаётбахш ислохотлар, муваффақиятлар замирида Конституцияда белгиллаб қўйилган тамойиллар муқассам. Бир сўз билан айтганда, қонунлар тизимини бир иморат, деб билсак, Конституция унинг пойдеворидир.

Хулоса ўрнида шунини айтиш керакики, ҳар бир фуқаро Конституцияни ардоқлаган ҳолда бугунги кунда ҳукм сураётган тинчлик ва оёйишталикнинг қадрига етиши, ўзининг фуқаролик бурчидан келиб чиқиб, конституцион нормаларга амал қилган ҳолда юртимиз фаровонлиги учун ўз ҳиссасини қўшишга лозим. Чунки Конституция халқни эзгу мақсадларга йўналтирувчи ҳуқуқий ҳужжатдир.

Феруза ХИДОЯТОВА,
Шайхонтоҳур тумани 2-сон давлат нотариал идораси нотариуси

Байрамга бағишланган тадбир самимий тилакларга уланди

ЎТган йиллар давомида барча соҳалар каби қонунчилик ва ҳуқуқ-тартиботни мустаҳкамлаш борасида ҳам изчил ислохотлар амалга оширилди. Бу ислохотлар барча ҳокимият тармоқларининг ваколатларини аниқ белгилаш ва улар ўртасида амалий ҳамкорликни йўлга қўйиш асосида йилдан-йилга такомиллашиб бормоқда.

ЎЗБЕКИСТОН Республикаси Адлия вазирлигида байрам муносабати билан ўтказилган тадбирда сўзга чиққан Адлия вазирини Н.Йулдошев мамлакатимизда амалга оширилаётган барча ислохотлар Конституциямизда белгиланган талаб ва қоидаларнинг ҳаётимиздаги амалий ифодаси, дея таъкидлади. Конституциямизнинг халқаро, демократик талабларга жавоб бериши ҳақида сўз борар экан, аввало, унда инсон ҳуқуқи, уни ҳимоялашга қаратилган барча кафолатлар алоҳида ўрин тутгани, Асосий Қонунимиз инсон манфаатини давлат манфаатидан устун туришини муҳрлаб қўйганини эътироф этди.

Ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар қатори Адлия вазирлиги ҳамда унинг муассасалари фаолияти ҳам конституциявий талаблар асосида йилдан-йилга такомиллашиб бормоқда.

Биргина, 2012 йил ҳамда жорий йилнинг ўтган даври мобайнида адлия органлари ва муассасалари фаолиятини янада такомиллаштиришга қаратилган 33 та қонун ҳужжати қабул қилинди.

Қонун ижодкорлиги жараёнида, Давлатимиз раҳбарининг қўли давлатдан — қўли фуқаролик жамиятига ўтиш ташаббуслари асосида қонунларни ишлаб чиқишда халқимизнинг миллий манфаатлари устулиги, шу билан халқаро қонунчиликнинг илғор нормаларини таҳлил этиш самарадорлиги ортиб бормоқда.

Ижтимоий-сиёсий ҳаётдаги фаол иштироки учун мустақиллигининг 22 йиллиги муносабати билан жорий йилда ҳам адлия органлари ва муассасалари ходимларидан бир неча нафари юксак давлат мукофотлари билан тақдирланган эди.

Тадбирда давлат мукофотлари соҳибларига, шунингдек, тизимда фидойилик ҳамда алоҳида намуна кўрсатган адлия органлари ва муассасаларининг бир гуруҳ ходимларига мукофотлар топширилди.

Сўзга чиққанлар, юксак мукофотлар адлия органлари ва муассасалари ходимларининг қонун ижодкорлиги ва ҳуқуқни қўллаш борасидаги фаолият самарадорлигини янада оширишга хизмат қилишини, бу йўлда бор салоҳият, мавжуд имконият, билим ва иқтидорларини сафарбар қилишларини қайд этишди.

Замонавий бинолар

юридик хизмат сифатини оширади

ЎЗБЕК халқининг ҳуқуқий давлат ва фуқаролик жамиятини барпо этишига, кўп асрлик орау-умид ва мақсадларини рўбга чиқаришга хизмат қилмаган, мустақил, янги ҳаёт қўриш йўлида Конституция муҳим восита сифатида хизмат қилиб келмоқда.

УШБУ тантанали кун арафасида фойдаланишга топширилган ишцоотлар юртимиз кўрмига қўриб қўйашпти. Бу борада Самарқанд, Сурхондарё ва Андижон вилоятларида ҳам кенг қўламли бунёдкорлик ишлари амалга оширилди. Ўргут туманида 1-сон ФХДБ бўлими ва 2-сон давлат нотариал идораси, Тайлоқ туманида ФХДБ бўлими ва 2-сон давлат нотариал идорасининг 1 миллиард сўмдан ортиқ лойиҳа қийматдаги янги бинолари, Олтинсой ҳамда тоғли Бойсун туманларида қарийб 1,5 миллиард сўм маблағ эвазига замонавий талабларга тўлиқ жавоб берадиган муҳташам “Бахт уй”лари, Андижон ва Шахристон туманларида 560 миллион сўм маблағ эвазига қад ростлаган нотариат биноларининг қўриб, фойдаланишга топширилганлиги байрамга муносиб совға бўлди.

Адлия вазирлиги тизимига кирувчи ФХДБ ва давлат нотариал идоралари моддий техника базасини мустаҳкамлаш бўйича жорий йилга тўхталганган Дастурга асосан қўриб битказилган мазкур замонавий ишцоотларда юридик хизмат сифатини ошириш учун барча шароитлар яратилган.

Янги биноларнинг очилишида сўзга чиққанлар, Мустақиллигининг дастлабки йиллариданок Ўзбекистонда “Ислохот — ислохот учун эмас, ислохот, энг аввало, инсон учун, унинг қонуний манфаатларини таъминлаш учун”, деган инсонпарвар тамойил илгари сурилганлиги ва у изчиллик билан ҳаётга татбиқ этилаётганлигини, шу боис, шаҳар ва қишлоқларимизда амалга оширилаётган бунёдкорлик ишлари, барпо этилаётган бино ва ишцоотлар Ватанимиз ҳўсига хўсн қўишиш, ҳалқимиз оғирини енгил қилиши, улارга замонавий юридик хизмат кўрсатишини қайд этдилар.

Адлия вазирлиги Ахборот хизмати



Суратда: Олтинсой туманида қўриб топширилган янги “Бахт уйи”

Илмий-амалий семинар Ҳакамлик судлари миллий тажриба ва халқаро амалиёт

ПОЙТАХТИМИЗДАГИ “Miran” меҳмонхонасида Ўзбекистон Ҳакамлик судлари ассоциацияси қошидаги Ҳакамлик судлари академияси, Германия Федератив Республикасининг “Friedrich Ebert” жамағаси билан ҳамкорликда “Ҳакамлик судларининг ривожланиш истиқболлари ҳуқуқий аспекти: миллий тажриба ва халқаро амалиёт” мавзусида халқаро илмий-амалий семинар ўтказилди.

ТАДБИРДА таъкидланган-дек, Ўзбекистон ҳакамлик судлари 2007 йил 1 январдан кўча қирған “Ҳакамлик судлари тўғрисида”ги Қонун асосида фаолият олиб бормоқда. Ўзбекистон Ҳакамлик судлари ассоциацияси тизимидagi ҳакамлик судлари томонидан 2012 йилда юз миллиард сўмлик жами 10608 та иш, 2013 йилнинг 10 ойи мобайнида эса 85 миллиард сўмлик даъво аризалари қўриб чиқилган.

Бугунги кунда Ўзбекистон Ҳакамлик судлари ассоциа-

цияси республика ва хориждаги турли йirik таъкилотлар билан ҳамкорлик қилмоқда. Жумладан, Сингапур халқаро арбитраж маркази, Европа Арбитраж Палатаси (Бельгия), Халқаро Арбитраж Ассоциацияси (Бельгия), Франция Арбитраж Ассоциацияси, Чехия Республикаси савдо ва қишлоқ ҳўжалик палатаси ҳузуридаги арбитраж суди, Япония тижорат арбитраж Ассоциацияси, Варшава миллий арбитраж суди (Польша), Чехия савдо палатаси ва Чехия Республи-

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ Адлия вазирлиги томонидан Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Миллий маркази, Олий Мажлиснинг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (Омбудсман), Бош прокуратура, Ички ишлар вазирлиги, Олий суд ҳузуридаги Таъкилот маркази, Фуқаролик жамияти шаклланишини мониторинг қилиш мустақил институти ҳамкорлигида Европа Иттифоқининг “Ўзбе-

Халқаро анжуман

Ҳуқуқий онг ва ҳуқуқий маданият юксаклиги демократик тараққиётнинг ёрқин ифодаси

кстонда суд-ҳуқуқ ислохотларига кўмаклашиш” лойиҳаси кўмағида ташкил этилган “Аҳолининг ҳуқуқий онги ва ҳуқуқий маданиятини юксалтириш жамиятда демократия ҳамда адолатни таъминлашнинг энг муҳим омил”и мавзусида халқаро анжуман инсон ҳуқуқлари ҳамда демократиянинг муҳим мезони бўлган ҳуқуқий онг ва ҳуқуқий маданиятни юксалтиришнинг бугунги кундаги аҳамияти, бу борадаги миллий ва хорижий тажрибаларга бағишланди.

Юристарлар малакасини ошириш марказида бўлиб ўтган тадбирда халқаро таъкилотлар вакиллари, бир қатор хорижий давлатларнинг Ўзбекистондаги дипломатик ваколатхоналари раҳбарлари, Япония, Хитой, Германия, Франция, Польша, Россия, Озарбайжон ва Туркия каби давлатларнинг инсон ҳуқуқлари бўйича етакчи мутахассислари, мамлакатимиздаги ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари масъул ходимлари, ҳуқуқшунос олимлар, ҳуқуқий тарғибот масасалари билан шуғулланувчи мутасадди идоралар вакиллари иштирок этди.

Ийгилишида сўзга чиққан Адлия вазирини Н.Йулдошев Ўзбекистонда юксак ривожланган давлат ва ҳуқуқий фуқаролик жамияти қўриш йўлида эришилаётган улкан утуқлар асосини Конституциямиз ташкил этишини алоҳида таъкидлаб, давлатимиз томонидан ижтимоий-иқтисодий, ҳуқуқий соҳаларда олиб борилаётган кенг қўламли ишлар ҳақида иштирокчиларга атрафияна маълумот берди.

— Президентимизнинг 2010 йил 12 ноябрдаги Олий Мажлис палаталарининг қўшма мажлисида эълон қилган “Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси” айтиш мумкинки, мил-

лий давлатчилик ва жамиятнинг янада тараққиёт этиришининг янги босқичини белгилаб берди.

Концепциядаги устувор вазифаларнинг ижросини таъминлаш бўйича кенг жамоатчилик орасида тушунарли ишларини олиб бориш алоҳида аҳамият касб этади. Бу вазифалар бутун дунёда катта акс-садо берди. Бу жараёнларда адлия идоралари фаол иштирок этмоқда. Жамиятда ҳуқуқий

ғибот йўналишида давлат ва нодавлат тузилмаларининг фаол иштирок этаётганлиги ҳам мамлакатимизда бу соҳага устувор йўналиш сифатида аҳамият берилаётганлигини намойён этмоқда. Анжуман ишида иштирок этган халқаро экспертлар мамлакатимизда мазкур соҳада олиб борилаётган ишларнинг режалар, тизимли ва кенг жамоатчиликни жалб этган ҳолда ҳамда ўзига хос миллий концепция асосида



онг ва ҳуқуқий маданиятни ошириш мақсадида ҳуқуқий билимларни, қонунларни ва бошқа норматив ҳужжатларни аҳоли ўртасида тарғиб қилиш ҳам муҳим аҳамиятга эгаллигини ҳисобга олган ҳолда таълим соҳасида адлия органлари ва муассасалари томонидан мунтазам равишда турли тадбирлар амалга оширилмоқда.

Жумладан, Адлия вазирлиги давлат идоралари, суд ва ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар, олий таълим муассасалари ҳамда фуқаролик жамияти институтлари мутахассислари бошчилигидаги Ҳуқуқий тарғибот ва маърифат бўйича давлат органлари ишларини мувофиқлаштириш юзасидан идоралараро кенгаша раҳбарлик қилади.

Аҳолининг ҳуқуқий маданиятини оширишга ва ҳуқуқий тарғибот ишлари самарадорлигини яхшилаш мақсадида вазирлик томонидан 15 та давлат органи ва фуқаролик жамияти институтлари билан меморандум имзоланган. Вазирлигимиз Ҳуқуқий тарғибот ва ҳуқуқий таълим соҳасида тадбирлар режасига асосан 2012 йил ва жорий йилнинг ўтган даври мобайнида 99 мингдан зиёд ҳуқуқий тарғибот тадбирлари ташкил этилиб, уларда 2,7 миллиондан ортиқ аҳоли иштирок этди.

Ҳуқуқий маърифат ва тар-

ташкил этилганлигига ижобий баҳо беришди.

Рикио КУБОЯМА,
Нагоя Университети
ҳуқуқ факультетининг доценти (Япония):

— Ўзбекистон Президентини томонидан илгари сурилган Концепцияда Ўзбекистонда демократик аниқланишнинг бугунги босқичида энг муҳим йўналишлардан бири бўлган қонун устуворлиги ва қонунийликни мустаҳкамлаш, шахс ҳуқуқ ҳамда манфаатларини ишончи ҳимоя қилишга қаратилган суд-ҳуқуқ тизимини изчил демократлаштириш ва либераллаштириш, ҳуқуқий давлат асосларини янада такомиллаштириш, аҳолининг ҳуқуқий маданиятини янада юксалтиришга алоҳида эътибор қаратилганлиги юртимизда демократик томоиллар янада такомиллашиб бораётганлигини далolat беради. Айниқса, бу ишларда давлат органлари билан бир қаторда, нодавлат нотижорат ташкилотларининг бевосита иштироки эътирофга моликдир.

Томас ПАТТЕРСОН,
Европа Иттифоқининг
“Ўзбекистонда суд-ҳуқуқ ислохотларига кўмаклашиш” лойиҳаси эксперти (Буюк Британия):

— Ўзбекистон давлати БМТнинг инсон ҳуқуқлари

оид кўплаб халқаро шартномаларига қўйилган ва бу борада халқаро ҳуқуқий меъёрларга оғишмай амал қилмоқда, деб айтишга тўла асос бор. Мен кўп йиллардан буён мамлакатимизда босқичма-босқич амалга оширилаётган суд-ҳуқуқ ислохотлари жараёнини кўзатар эканман, Ўзбекистонда инсон ҳуқуқлари ҳимояси мустаҳкамлашиб бораётганлигига амин бўлдим. Мазкур халқаро анжуман Адлия вазирлиги томонидан йўлга қўйилган турли халқаро ҳамкорлигининг ёрқин ифодаси ва у аҳолининг ҳуқуқий онг ва ҳуқуқий маданиятини оширишга қаратилганлиги билан муҳим аҳамиятга эга. Мен фурсатдан фойдаланиб, сиёсий фаоллиги, ҳуқуқий онги ва ҳуқуқий маданияти юксак Ўзбекистон халқини Конституциясининг 21 йиллик байрами билан табриқлайман.

Су ЧАН,
Жамоатчилик фанлари Академияси Россия, Жанубий Европа ва Марказий Осиё институтининг етакчи илмий ходими:

— Ўзбек халқининг ҳуқуқий маданияти кўп асрлик тарихга эга, илмий чуқур ва миллий кадриятлари билан ҳамбарчас боғлиқ. Инсонни улуғлаш, унинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, ўзаро ёрдам, ҳамжихатлик каби қадимий урф-одатлари Ўзбекистон давлатининг миллий қонунчилигида мукассам топан. Бу борада, айниқса, маҳалла институтининг тутган ўрни ва аҳамияти таҳсинга сазовор. Ўзбек маҳаллалари аҳолининг сиёсий фаоллигини оширувчи, ҳуқуқий онги ва ҳуқуқий маданиятини ривожлантиришга хизмат қилувчи ва ҳар бир фуқаро учун ватандек азиз максадидир. Ўзбекистон Конституцияси ва бошқа қонун ҳужжатларида маҳалланинг ҳуқуқий мақоми мустаҳкамланганлиги унинг янада ривожланишига асос бўлмоқда. Аҳолининг ҳуқуқий онги ва ҳуқуқий маданиятини юксалтириш борасида сўз кетганда, Ўзбекистонда демократия кўзгуси бўлган маҳалла институтини намуна сифатида келтирмай илож йўқ.

Халқаро анжуман иштирокчилари томонидан келтирилган аҳолининг ҳуқуқий маданияти ва ҳуқуқий фаоллигини оширишда ҳуқуқшунос олимлар ва жамоатчилик ўртасидаги ҳамкорликни янада кенгайтириш, соҳага оид илмий изланишларни амалга оширишга, соҳадаги ҳалқаро алоқаларни изчил йўлга қўйиш ҳўсусида фикр-мулоҳазалар билдирилиб, ўзаро ҳамкорликни кенгайтиришга хизмат қилувчи бир қатор тақлиф ва тавсиялар ишлаб чиқилди.

Фарида ҚОРАҚУЛОВА,
“Инсон ва қонун” муҳбири

Хабарингиз борми?

Яқинда Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлари 2014 йилда иш ўринлари ташкил этиш ва аҳоли бандлигини таъминлаш дастурини қабул қилдилар.

Дастурга кўра, кейинги йилда **983,6 мингта** иш ўрни ташкил этиш назарда тутилмоқда. Асосий эътибор таълим муассасаларининг битирувчиларини, аёлларни, ногиронларни ҳамда аҳолининг ижтимоий қўллаб-қувватлашга муҳтож бошқа тоифаларини ишга жойлаштиришга қаратилди. Касб-хўнар коллежларининг **500 мингдан** зиёд битирувчисини ишга жойлаштириш Дастурининг муҳим йўналишларидан биридир.

Касаначилик иш ўринларининг катта қисmini миллий хўнарамдчиликнинг аънаъавий марказлари бўлиши минтақаларда — Наманган вилоятида **28,5 мингта**, Фарғона вилоятида **27,3 мингта**, Андижон вилоятида **21,6 мингта**, Самарқанд вилоятида **17,6 мингта**, Бўхоро вилоятида **18,5 мингта** иш ўрни ташкил этиш назарда тутилмоқда. Шу билан бирга, оилавий тадбиркорлик субъектлари учун қонун ҳужжатларида назарда тутилган имтиёзлар, преференциялар ҳамда кафолатлардан фойдаланиш самарадорлигини ошириш бўйича ишлар давом этирилди.

(Ўз мухбиримиз)

мини жалб этиш учун қулай шарт-шароит яратилди.

Дарҳақиқат, мамлакатимизда миллий хўнарамдчиликни ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Шу боис, кадриятларимизнинг бир бўлагига айланган дўппидўзлик, пичоқчилик, зардўзлик, қулоччилик, қосибчилик каби ҳўнарлар авлоддан-авлодга ўтиб, сайқал топиб бормоқда. Кўргазмада оилавий тадбиркорлигининг ана шундай бебаҳо ижод намуналари намойиш этилди.

Кўргазмадаги миллий либослар, кашатчилик намуналари, ёғоч ўймақорлигида яратилган буюмлар кўзни қўвнатди, дилларни яратди. Хўнарамандлар, устоз шогирдларнинг тайёрлаб келган ҳар бир маҳсулотини томошабинларда катта қизиқиш уйғотди.

Сабохат САФАРОВА,
Маданият ва санъат кўргазмаси ходими



Хўжалик суди амалиётинан Солиқ қарзини ундириш ариза асосида ва факат суд тартибида амалга оширилади

ЮРИДИК шахсларнинг мол-мулки ҳисобидан солиқ қарзини ундириш давлат солиқ хизмати органининг ундирувчи солиқ тўловчининг мол-мулкига қаратиш тўғрисидаги аризаси асосида факат суд тартибида амалга оширилади.

ИШНИНГ МАЗМУНИ

Масъулияти чекланган жамият бюджет ва давлат мақсадли жағмармаларига солиқлар ҳамда бошқа мажбурий тўловларни тўламастан келган.

Шаҳар давлат солиқ инспекцияси томонидан масъулияти чекланган жамиятнинг солиқ мажбуриятларини бажариш аҳволи ўрганиб чиқилганда, унинг бюджет олдидagi солиқлар ва бошқа мажбурий тўловлардан 13,4 миллиард сўм қарзи мавжудлиги аниқланган.

Шаҳар давлат солиқ инспекциясининг солиқ қарзини узиш тўғрисидаги талабномаси масъулияти чекланган жамият томонидан оқибатсиз қолдирилган. Шаҳар давлат солиқ инспекцияси томонидан солиқ қарзини судга мажбурий ундириш бўйича қўрилган чоралар эса натижа бермаган.

Шундан кейин шаҳар давлат солиқ инспекцияси ўз ваколати доирасида масъулияти чекланган жамиятнинг мол-мулки ҳисобидан бюджетга солиқлар ва бошқа мажбурий тўловлардан 13,4 миллиард сўм солиқ қарзини ундиришни сўраб, ҳўжалик судига ариза берган.

АРИЗАЧИННИНГ ВАЖЛАРИ

Суд мажлисида шаҳар давлат солиқ инспекцияси вакили масъулияти чекланган жамиятнинг бюджетга солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларни тўлаб бориши текиририлганда, унинг бюджет олдида солиқ қарзи мавжудлиги аниқланганлигини, солиқ қарзини ундириш чораларини қўриш мақсадида жавобгарга талабнома билан мурожаат қилинганлигини, аммо талабнома бажарилмаганлигини, солиқ тўловчи ариза судга тақдим этилган кунга қадар бюджет билан ўзаро ҳисоб-китоби амалга оширмаганлигини баён қилиб, солиқ қарзини масъулияти чекланган жамиятнинг мол-мулки ҳисобидан ундиришни сўраган.

ЖАВОБГАР ФИКР БЕРМАГАН

Масъулияти чекланган жамият вакили суд мажлисида сабабсиз катнашмаган, шаҳар давлат солиқ инспекциясининг аризаси юзасидан ёзма фикрини унга ва судга юбормаган.

СУДНИНГ ХАЛ ҚИЛУВ ҚАРОРИ

Суднинг хал қилув қарори билан шаҳар давлат солиқ инспекциясининг аризаси қаноатлантирилиб, масъулияти чекланган жамиятнинг мол-мулки ҳисобидан бюджетга солиқлар ва бошқа мажбурий тўловлардан бўлган 13,4 миллиард сўм солиқ қарзи ундирилган.

СУДНИНГ ХАЛ ҚИЛУВ ҚАРОРИГА ШАРҲ
Ўзбекистон Республикаси Давлат Бюджетига даромадларининг асосий қисми айнан солиқлар ва бошқа мажбурий тўловлар ҳисобидан шаклланади. Солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларнинг ўз вақтида ҳамда тўлиқ тулиши амалга оширилаётган барча чора-тадбирларнинг, бошқача айтганда, бюджет ва мақсадли жағмармаларининг харажат қисmini ўз вақтида молиялаштиришга хизмат қилади.

Ушбу маблағларнинг белгиланган муддатларда ва тўлиқ ҳажмда тегишли бюджет ва мақсадли жағмармаларга келиб тушмаслиги эса мўйайн давр учун белгиланган харажатларнинг амалга оширилишига тўсқинлик қилиши мумкин.

Шундай экан, солиқ тўловчилар ўз зиммасидаги солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларни Солиқ кодексига белгиланган муддатларда ва тўлиқ ҳажмда амалга оширишлари шарт бўлиб, уларни тўламаслик оқибатида солиқ қарзи вўжудга келади.

Суд амалиёти шуни кўрсатадики, солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларнинг ўз вақтида ҳамда тўлиқ ҳажмда амалга оширилмаслигининг бир қатор сабаблари бўлиши мумкин. Булар — солиқ тўловчининг ўз мажбуриятларини лозим даражада билимаслиги, ҳисоб рақамда маблағнинг мавжуд эмаслиги, қасддан солиқ тўламаслик ва бошқа сабаблар.

Ўз навбатида, масъулияти чекланган жамият ҳам солиқ тўғрисидаги қонун ҳужжатларига мувофиқ зиммасига солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларни тўлаш мажбуриятини юклатилганлиги сабабли, солиқ тўловчи ҳисобланади.

Шаҳар давлат солиқ инспекцияси томонидан бюджет ва давлат мақсадли жағмармаларига фойдасига ундирилиши талаб қилинаётган 13,4 миллиард сўм солиқ қарзи масъулияти чекланган жамиятнинг банкдаги ҳисоб рақамидан пул маблағлари мавжуд бўлмаганлиги сабабли, тегишли тўловлар амалга оширилмаганлиги учун вўжудга келган.

Солиқ қарзининг мавжудлиги солиқ қарзи борлиги тўғрисида солиқ тўловчининг шахсий қарточкаларидан қўчирма, солиқ тўловчининг банк ҳисобовларига пул маблағлари йўқлиги тўғрисидаги банк маълумотномаси, солиқ тўловчининг охириги ҳисобот даврига доир бухгалтерия балансининг қўчирма нусхаси билан ўз тасдиқини топан.

Солиқ мажбуриятлари юзага келган пайтда амалда бўлган қонун ҳужжатларига мувофиқ солиқ солинади. Масъулияти чекланган жамият солиқ тўловчи сифатида солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларни Солиқ кодексига белгиланган тартибда ҳамда муддатларда тўлаши шарт бўлса-да, солиқ солинадиган чораларини кўрмасдан келганлиги, солиқ мажбуриятларини ўз вақтида ва лозим даражада бажармаганлиги оқибатида бюджет ҳамда давлат мақсадли жағмармаларига солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларнинг тулиши таъминланмаган.

Давлат солиқ хизмати органи ҳўжалик судига мурожаат қилишдан олдин Солиқ кодексига белгиланган тартибда ва муддатларда солиқ тўловчига солиқ қарзини узиш тўғрисидаги талабномани топширган ҳамда солиқ қарзини мажбурий ундириш чораларини қўрган.

Булар — солиқ қарзини солиқ тўловчининг банкдаги ҳисоб-варағидан сўзсиз ундириш; ундирувчи солиқ тўловчига унинг дебиторлари ўтказиши лозим бўлган суммаларга қаратиш; ундирувчи солиқ тўловчининг мол-мулкига қаратиш чоралари. Ушбу масалалар тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Олий ҳўжалик суди Пленумининг 2010 йил 18 июндаги “**Ҳўжалик судлари томонидан Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодекси умумий қисmini қўллашнинг айрим масалалари ҳақида**”ги қарорининг 13, 14, 17 ва 31-бандларида тушунтириш берилган.

Юридик шахсларнинг мол-мулки ҳисобидан солиқ қарзини ундириш Солиқ кодекси 65-моддасининг биринчи қисмига мувофиқ давлат солиқ хизмати органининг ундирувчи солиқ тўловчининг мол-мулкига қаратиш тўғрисидаги аризаси асосида факат суд тартибида амалга оширилади. Зеро, Ўзбекистон Республикаси Конституцияси 53-моддасининг иккинчи қисмига мувофиқ ҳўсусий мулк бошқа мулк шакллари каби дахлсиз ва давлат ҳўсиясида бўлиб, мулкдор факат қонунда назарда тутилган ҳолларда ва тартиббағина, мулкдан маҳрум этилиши мумкин. Демак солиқ тўловчи томонидан солиқ мажбуриятини тўлиқ бажарилган тақдирда, ундирув унинг мол-мулкига қаратилмайди.

Суд шаҳ

Қонун доирасида

Тақдимнома киритилгач...

ноқонуний қарор бекор қилинди

МАМЛАКАТИМИЗДА қабул қилинган қонунлар қаторида маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги қонун ҳужжатлари ҳам муҳим аҳамият касб этади. Зеро, маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги қонун ҳужжатлари фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиш, жамиятда қонунийликни мустаҳкамлаш борасидаги муносабатларни тартибга солади.

ҚОРАҚАЛПОҒИСТОН Республикаси Адлия вазирлиги томонидан ушбу қонунларга риоя этилиши юзасидан ўрганишлар олиб борилмоқда.

Жумладан, Шуманай тумани 1,2,3,4-сонли МФЙ раислари Б.Сағатов, О.Реймов, Т.Джумамбетов ҳамда М.Бекбаулиевларнинг туман Давлат санитария-эпидемиология назорати маркази ходимлари томонидан ноқонуний равишда маъмурий жавобгарликка тортилганлиги юзасидан норози бўлиб ёзган мурожаати Қонунчиликка риоя этилиши устидан назорат қилиш бош бошқармаси Қорақалпоғистон Республикаси ҳудудий бўлими томонидан ўрганиб чиқилди.

Аниқланишича, туман Давлат санитария-эпидемиология назорати маркази ходимлари томонидан қонунбузилишларга йўл қўйилган.

Яъни, Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг 279-моддасида маъмурий ҳуқуқбузарлик содир этганлик тўғрисидаги баённома ваколатли шахс томонидан тузилиши белгиланган бўлса-да, марказ томонидан 1,2,3,4-сонли МФЙ раисларига нисбатан маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисида баённома тузилмаганлиги аниқланди.

Ушбу ҳолатда Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг 280, 281-моддаларида кўрсатилган талабларга риоя этилмаган. Яъни, кодексда бузилиши маъмурий жавобгарликни келтириб чиқарадиган қоидаларга риоя этилишини текшириш ва назорат қилиш қонун ҳужжати билан зиммасига юклатилган тегишли органнинг ваколати мансабдор шахси маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги баённомани тузади, деб белгиланган.

Шунингдек, баённома уни тузган шахс ва маъмурий ҳуқуқбузарлик содир этган шахс томонидан имзоланиши ҳамда ҳуқуқбузарлик содир этган шахс баённомани имзолашдан бош тортган тақдирда, баённомага бу ҳақда ёзиб қўйлади, деб белгиланса-да, ушбу талабларга риоя этилмаганлиги маълум бўлди.

Туман Давлат санитария-эпидемиология назорати маркази томонидан 2013 йил 11 сентябрда юқорида таъкидланган фуқароларга "Давлат санитария назорати тўғрисида"ги Қонуннинг 19-моддасида кўрсатилган талабларни бажармаганлиги ҳамда Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг 53-моддасида кўрсатилган ҳуқуқбузарлик содир этилганлиги қайд қилинган ва ҳар бирига энг кам иш ҳақининг беш баравари миқдорида жарима қўллаш тўғрисида қарорлар чиқарилган.

Ушбу ноқонуний қарорларни бекор қилиш бўйича вазирлик томонидан Қорақалпоғистон Республикаси Давлат санитария-эпидемиология назорати марказига тақдимома киритилди. Мазкур тақдимомага асосан маъмурий жавобгарликка тортиш юзасидан чиқарилган қарорлар Қорақалпоғистон Республикаси бош давлат санитария вақчи томонидан бекор қилинди ва бундай қонунбузилиш ҳолатларига йўл қўйилганлиги учун Шуманай тумани санитария вақчи Б.Дулатназаровага интизомий жазо чораси қўлланилди.

Айтмурат ХАЛТУРДИЕВ,
Адлия вазирлиги Қонунчиликка риоя этилиши устидан назорат қилиш бош бошқармаси Қорақалпоғистон Республикаси ҳудудий бўлими бош маслаҳатчиси

МАЪЛУМКИ, демократик қадриятларни рўйбга чиқаришда фуқаролик жамияти институтлари томонидан олиб борилаётган изчил ислохотлар муҳим аҳамиятга эга. Шу боис, фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) ва унинг маслаҳатчилари сайловига муҳим ижтимоий-сиёсий тадбир сифатида қаралаётгани ҳам бежиз эмас. Маҳалла ноёб, бетакрор ижтимоий бошқарув идораси бўлгани сабабли, унинг роли ва таъсирчанлигини ошириш сайлов жараёнлари билан ҳамроҳандир.

ПРЕЗИДЕНТИМИЗ Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлисидаги "Мамлакатимизни модернизация қилиш ва кучли фуқаролик жамияти барпо этиш — устувор мақсадимиздир" номли маърузасида таъкидланганидек, Маҳал-

қатор вазифаларни бажариб келмоқда. Айниқса, аҳолини иш билан таъминлаш мақсадида касаначилик, хунармандчилик, хусусий тадбиркорлик, фермер хўжаликларини ташкил этиш, аҳолига сифатли тиббий ва маънавий хизмат кўрсатиш хизмат-

янги таҳрирда қабул қилинганлиги ўзини ўзи бошқариш органлари самардорлигини оширишда муҳим аҳамиятга эга бўлди.

Фуқаролар йиғинларига сайловнинг муҳим хусусиятларидан бири раис ва унинг маслаҳатчилари маҳаллада доимий истикомат қилувчи шахслар орасидан сайланишида кўрилади. Бу ҳол раис ва унинг маслаҳатчилари демократик мезонлар асосида сайланишини таъминлайди. Яъни, сайловнинг эркин ва ихтиёрийлигига асосланган нафақат умуминсоний тамойилларга, балки миллий қадриятларга ҳам тўла мос келади. Яна

Сайлов давом этмоқда

Ноёб ва бетакрор

ижтимоий бошқарув идораси

ланнинг фуқароларнинг энг долзарб муаммоларини ҳал этиш, уларнинг ижтимоий фаоллигини таъминлашдаги ўрни ва аҳамияти ортб бораётганини инобатга олган ҳолда, оқсоқоллар ва уларнинг маслаҳатчиси этиб энг муносиб номзодлар сайланишини таъминлайдиган фуқаролар йиғини раислари (оқсоқоллар) ва уларнинг маслаҳатчиларини сайлаш тизимини янада такомиллаштириш талаб этилмоқда.

Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш, юртимиз ободлиги ва турмуш фаровонлигини ошириш, ёшларни тарбиялаш билан боғлиқ



ларнинг тобора кенгайиб бораётгани ҚФЙ ва МФЙ ташаббускорлигини яққол намоён этмоқда.

2013 йил 22 апрелдаги "Фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) ва унинг маслаҳатчилари сайлови тўғрисида"ги Қонуннинг

бир жиҳати, мазкур сайлов сайловчиларнинг доимий истикомат қиладиган жойларидаги фуқаролар йиғини томонидан амалга оширилади. Бошқача айтганда, махсус сайлов округларини ташкил қилиш талаб этилмайди.

Мукаддасхон АХМЕДОВА,
ТДЮУ ўқитувчиси,
юридик фанлар номзоди

Мажбурият бажарилмаса

суд тартибида ҳал этилади

ҚИШЛОҚ хўжалигини бозор муносабатлари талабларига мувофиқ ривожлантириш ахсорияти ҳолларда қишлоқ хўжалиги субъектлари ўртасидаги шартномавий муносабатларга боғлиқ.

ШАРТНОМАЛАР шартнома шартлари ва талабларига ҳамда қонун ҳужжатларига риоя қилинган ҳолда зарур даражада бажарилиши керак.

Агар томонлар ўз зиммаларига олган барча мажбуриятларнинг бажарилишини таъминласа, шартнома бажарилган, деб ҳисобланади.

Адлия органлари, қишлоқ ва сув хўжалиги идоралари ҳамда фермерлар кенгашлари тайёрлов ва хизмат кўрсатиш ташкилотлари таъминлаш билан вилоят хўжалик судига жами 1 миллиард 880,9 миллион сўмлик қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари суд томонидан қаноатлантирилиб, ижрога қаратилди.

Айрим ҳолларда қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштирувчилар томонидан шартнома мажбуриятларини бажармаслик ҳолатлари ҳам учрамоқда.

Тошкент вилоятида 2013 йил ҳосилидан давлат эҳтиёжлари учун 301550 тонна бошқоқ дон харид қилиш юзасидан 3967 та қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштирувчилар билан контрактация шартномалари тузилган. Шулардан 236 таси шартнома мажбуриятларини 3 минг 832,5 тоннага бажармаган. Адлия, прокуратура, қишлоқ ва сув хўжалиги ҳамда фермерлар кенгаши ходимлари томонидан қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштирувчилар, шу жумладан, фермер хўжаликлари ўртасида шартнома мажбуриятларини бажармаслик оқибатлари тўғрисида олиб борилган тушунтуриш ишлари нати-

Назорат



жасида, етиштирувчилар томонидан 462,9 миллион сўмлик 1218 тонна бошқоқ дон топширилишига эришилди.

Бирок шартнома мажбуриятларини бажармаган 94 та қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштирувчилардан 429 миллион 520 минг сўм жаримани ва қолганмаган кредит (аванс), зарар ҳамда бошқа қарздорликларни ундиришга оид жами 320 та 3 миллиард 455 миллион 300 минг сўмлик давво аризалари суд томонидан қўриб чиқилиб, тўлиқ қаноатлантирилди.

Бародар РАҲИМОВ,
Тошкент вилояти
адлия бошқармаси
масъул ходими

Ҳуқуқий



маслаҳатхона

— **КЎЧМАС** мулк ва автомобилотранспорт воситасини бошқа шахсга ўтказишни таққиклаш ва уни олиб ташлаш тартиби қандай амалга оширилади?

У.САНАКУЛОВ,
Пастдарғом тумани

— ҚОНУН ҳужжатларида кўрсатилган ҳолларда, шунингдек, банклар (бошқа кредит ташкилотлари), тегишли ташкилотлар томонидан жисмоний ва юридик шахсларга уй, квартира, уйнинг ёки квартиранинг бир қисми ва бошқа кўчмас мулк сотиб олиш ёки қайта таъмирлаш ва бошқа мақсадларда берилган қарзларнинг қайтарилишини таъминлаш учун кўчмас мулк гаровга қўйилган бўлса, гаров шартномаларини тасдиқлаш вақтида мазкур кўчмас мулк жойлашган ҳудуддаги нотариус кўчмас мулкка нисбатан таққик қўяди ва бу ҳақда "Ерғодезқадастр" давлат қўмитаси ҳудудий бўлини масъула хабарнома юборади.

Суд, тергов, прокуратура органлари, суд ижрочилари ва нотариуслар томонидан кўчмас мулк ва автомобилотранспорт воситаларини бошқа шахсга ўтказиш таққикланганлиги ва хатланганлиги тўғрисидаги хабарлар таққиклар ва хатловларни рўйхатга олиш китобида қайд этилади.

Нотариуслар тегишли ташкилотларнинг қарз ва мажбуриятлари бажарилганлиги ҳақида ёҳуд гаров (ипотека) тўғрисидаги ҳужжатларни илова қилган ҳолда юборган хабарномаларини олгандан кейин бу ҳақда таққиклар ва хатловларни рўйхатга олиш китобида ёзиб қўяди.

Нотариус суд, тергов, прокуратура органлари ва суд ижросининг таққик ва хатловининг олиб ташланганлиги тўғрисидаги ҳужжатларни илова қилган ҳолда юборган хабарномаларини олгандан кейин бу ҳақда таққиклар ва хатловларни рўйхатга олиш китобида ёзиб қўяди.

Саволга Пастдарғом туман 3-сон давлат нотариал идораси нотариуси
Мадина НАБИЕВА жавоб берди.

— **ҚИШЛОҚ** хўжалигида шартномавий мажбуриятларни расмийлаштириш тартиби тўғрисида маълумот берсангиз.

Ф.МАҲКАМОВ,
Денов тумани

— ЎЗБЕКИСТОН Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 4 сентябрдаги "Қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштирувчилар билан тайёрлов, хизмат кўрсатиш ташкилотлари ўртасида шартномалар тузиш, уларни рўйхатдан ўтказиш, бажариш, шунингдек, уларнинг бажарилиши мониторингини олиб бориш тартиби тўғрисида"ги Низомда қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари билан боғлиқ шартномаларни тузиш ва уларнинг бажарилишини таъминлаш чоралари қатъий белгиланган.

Шартномани тузиш ва уни расмийлаштиришда қуйидагиларга алоҳида эътибор қаратмоқ лозим:

- шартноманинг мавзуси, маҳсулотнинг номи, асортименти, миқдори (ҳажми), сифати, нархи;
- шартноманинг умумий суммаси;
- томонларнинг ҳуқуқлари ва ўзаро мажбуриятлари;
- ҳисоб-китоблар тартиби, шакли ва муддатлари, томонларнинг рекузитлари;
- шартнома мажбуриятлари бажарилмаганлиги ёки зарур даражада бажармаганлиги учун томонларнинг мулкий жавобгарлиги;
- низоларни, форс-мажор ҳолатларни ҳал этиш тартиби, томонларнинг рекузитлари, шартнома тузилган сана ва жойи.

Саволга Хоразм вилояти адлия бошқармаси
масъул ходими Ҳабибулла ҚОДИРОВ
жавоб берди.

ЯНА 21 кундан сўнг 2013 йил билан хайрлашамиз. Жорий 2013 йил тарихга айланади. Ўтаётган йилимиз том маънода бунёдкорлик йили бўлди. Юртимизда улкан ишлар амалга оширилди. Ютуқларнинг сабабчиси, мамлакатимизда ҳужм сураётган ғинчилик ва оёсийшотликда эканлигини унутмаслигимиз лозим.


Тахририят ҳам ўтаётган йилда сиз газетамиздан билан ақин ижодий ҳамкор бўлди. Алоқаларимиз янада мустаҳкамланди. Бунинг газетамизнинг ўқиб борган муштарийлар ақли билан боғлиқ. Пешин, пухта ёзилган, ўзига хос мавзудаги мақолалар газетга саҳифаларида мунтазам ёриб борилади. Тахририй мавзудаги мақолалар эса газетанинг "Шарҳ" рўқинда чоп этиб келинди.

Йил сўнггида тахририятга келган айрим мақолаларга шарҳ беришни ихтиёр этдик. Жумладан, Сирдарё вилояти адлия бошқармаси масъул ходими **Жасурбек Юсуфалиев**нинг "Фуқаролар муносабатлари эътиборда", "Мамлакатимизда бола ҳуқуқларининг қамқоғларлиги", Адлия вазирлиги масъул ходими **Э.Ҳолматов**нинг "Конституция — жамият ҳаётининг ҳуқуқий пойдевори", Бойвут тумани ФХД бўлими инспектори **Д.Ҳамдаданов**нинг "Фаровонликка эришиш ўз қўлимизда", Гулистон шаҳар 1-сон давлат нотариал идораси нотариуси **И.Ҳатамов**нинг "Диний экстремизм ва терроризмга қарши кураш", Сардоба тумани ФХД бўлими мудири в.в.б. **Насиба Каримов**нинг "Одам савдоси — глобал муаммо", Янгйўл тумани 2-сонли давлат нотариал идораси нотариуси **Мухаббат Комилов**нинг "Миллий маънавият ва ҳуқуқий маданият", Фуқаролик ишлари бўйича Термиз туманлари суди девонхонаси мудири **Сафар Маҳмадиев**нинг "Алимент қай тартибда ундирилиши?", Чирчиқ ва Ангрен шаҳарлари ДНИ нотариуслари **Левиша Абдулганиева** ҳамда **Барно Каримо-**

ваннинг "Ўзимга тегишли уй-жойни...", Олмалик шаҳар давлат нотариал идораси нотариуслари **Абдуҳали Шарипов** ва **Гўзал Исақжонов**ларнинг "Ижара шартномаси", Сирдарё вилояти адлия бошқармаси масъул ходими **Музаффар Уролов**нинг "Лизинг шартномаси", яна шу вилоят адлия бошқармаси масъул ходими **Баҳром Алмишев**нинг "Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фуқаролик жамияти институтини сифатида" номли мақолалари ана шулар жумласидандир.

Кейинги пайтларда солиқ соҳасида иш-лаётган ходимлардан келаётган мақола-лар сони ортмоқда. Жумладан, Республи-ка Давлат солиқ қўмитаси бошқарма бошлиғи **Эркин Жўраев**нинг "Текши-ришлар ошқоралигини таъминлаш йўли-да" мақоласи сўзининг исботи бўлади. Муаллиф шундай, деб ёзди: "Текшириш-лар ошқоралигини таъминлаш мақсадида Республика кенгаши тасдиқлаган текши-ришлар режа-жадвалига киритилган тад-биркорлик субъектлари рўйхати ойма-ой Давлат солиқ қўмитасининг интернетдаги www.soliq.uz сайтидаги "Текширишлар ва уларни мувофиқлаштириш" номли махсус саҳифада ва "Солиқ инфо" газетасида мун-тазам чоп этиб борилади".

Кармана тумани ДСИ бўлим бошлиғи **Иброҳим Нурназаров**нинг "Имтиёзлар-дан унумли фойдаланишда" мақоласи ҳам солиқ соҳасидаги имтиёзларга бағиш-ланган. Жиззах вилояти ДСБ бўлим бош-лиғи **Ўқтам Бегашов**нинг "Ноқонуний иш



— келтирар ташвиш" мақоласида қўшти-роқ ичидаги тадбиркорнинг фаолияти ҳақида фикр юритилди.

Тахририят билан ТДЮУ ўқитувчи ва та-лабалари ўртасида яхши алоқа ўрнатилган. Газета саҳифаларида уларнинг сермазун ва ўқиниш мақолалари мунтазам чоп этиб борилади. Бирок тахририятга келган барча мақолаларни чоп этишининг имконияти йўқ. Сабаби, қўлчилик мақолалар бир хил ма-взуда ёзилган бўлади. Лекин уларни тахри-рият талабига жавоб беролмайди, дея ол-маймиз. Жумладан, ТДЮУ талабаси **Ше-рали Алиев**нинг "Оила қуришда никоҳ тузиш эркинлигининг аҳамияти", ТДЮУ доценти **Мавлюда Аҳмедшоев**нинг "Норматив-хуқуқий ҳужжатлар тўғрисида"ги Қонуннинг янги тахрири хусусида", ТДЮУ доценти **Гул-чехра Тўлағанова** ва ана шу олий ўқув юрти магистранти **Дилшод Нуримов**нинг "Жиноят процессуал қонунчилиги янада та-комиллаштириш имкониятлари" сарлавҳали мақолалари ана шулар сирасига кириди.

Оила ва фаранд тарбияси ҳеч қачон ўз долзарблигини йўқотмайди. Шу боис ма-зкур мавзуда қалам тебратадиганлар қўчи-ликини ташкил этади. Паркент тумани ФХД бўлими мудири **Гулнора Бериков**нинг "Қонуний никоҳда бўлмаган шахслар", Гу-листон шаҳар "Никоҳ уйи" мудири **Гулҳаё Расулов**нинг "Оила — муқаддас кўрғон", Сирдарё вилояти адлия бошқармасининг масъул ходими **Бахтиёр Назаров**нинг "Фарзандликка олишнинг ўзига хос хусу-сиятлари" номли мақолалари юқорида таъ-

кидлаганимиздек никоҳ ҳамда оиланинг жамиятдаги ўрнига бағишланган.

Аҳолини иш билан таъминлаш, суд-хуқуқ ислохотлари, тадбиркорликка кенг йўл очиш бугуннинг муҳим вазифаси. Тах-ририятимиз почтасига келаётган кўпгина мақолаларнинг мавзуси ҳам ана шу соҳа-ларга қаратилган.

Қорақалпоғистон Республикаси Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш ва-зирлиги масъул ходими **Жавлон Қурбан-баев**нинг "Меҳнат шартномаси", Сирдарё вилояти адлия бошқармаси масъул ходими **Қобулжон Аҳмаджонов**нинг "Конституция — бош қомусимиз", Фуқаролик жамияти шаклланишини мониторинг қилиш муста-қил институтининг Тошкент шаҳар ҳудудий бўлини масъул етакчи мутахассиси **Алишер Ёриев**нинг "Судга бўлган босқинда суд назоратини такомиллаштириш масалалари", "Инсон ва қонун" газетасининг Андижон ви-лояти бўйича муҳбири **Шухрат Мусаев**нинг "Бахт топган тадбиркор" мақолалари бугунги мавзудан чиқиб ёзилган.

Хар бир наشريнинг нуфузини унинг фаол муаллифлари белгиллашини яхши биламиз. Олий Мажлис депутати **Шухрат Дехқо-нов**ни "Инсон ва қонун" газетаси мушта-рийлари яхши билишади. Газетасининг ма-ълум йил бўйи фаол муаллифимизнинг суд-хуқуқ соҳасига оид кўплаб мақолаларини ўқиган. Муаллифининг тахририятга юбор-ган яна бир мақоласи "Сугурта соҳаси-нинг ҳуқуқий асослари", деб номланади.

Ўйлаймики, муаллифлар билан ижо-дий ҳамкорлигимиз 2014 йилда ҳам да-вом этади.

Азиз газетхон! Йил охирида Сизнинг тахририят жамоасига айтар гапларингиз бордир. Марҳамат. Хар доимидек, Сиз-ларнинг мактубларингизни кутиб қоламиз.

Зайниддин МАМАДАЛИЕВ,
"Инсон ва қонун" муҳбири

2013 йилдан хурсандмиз


Янги 2014 йилдан умидларимиз бисёр

Шарҳ

Хориж тажрибаси

Давлат ва хусусий бизнес ҳамкорлиги

фаровонликка хизмат қилади



ДАВЛАТ ва хусусий бизнеснинг ўзаро ҳамкорлиги доимо ҳар бир замонавий демократик давлатнинг диққат эътиборида бўлган. Кейинги йилларда бутун дунёда ҳукумат ва бизнес ҳамкорлигининг кучайиши тенденцияси кузатишмоқда.

ДАВЛАТ ва хусусий секторнинг ўзаро муносабати мамлакатдаги ижтимоий-иқтисодий барқарор вазиятни таъминлашда хусусий бизнеснинг манфаатдорлигини оширади, шунингдек, тадбиркорлик субъектларининг қўллаб-қувватлашнинг ҳал эътиҳида ёрдам беради.

Хозирги кунда республикада давлат ва хусусий бизнес ҳамкорлигининг айрим жиҳатларини тартибга солувчи 45 та норматив-ҳуқуқий ҳужжат мавжуд бўлиб, 15 та қонун, Президентимизнинг 9 та Қарори, Вазирлар Маҳкамасининг 17 та қарори ҳамда 4 та идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжат шулар жумласидандир. Масалан, **“Концессиялар тўғрисида”**ги Қонунда концессия чет эллик инвесторга ҳўжалик фаолиятининг мўайян тури билан шўғулланиш ўчўн давлат номидан берилладиган рухсатнома бўлиб, давлат чет эллик инвесторга эгалик қилиш ҳамда фойдаланиш ҳўқўқи асосида мол-мулк, ер ва ер ости ўчасткаларини топширади, бунда давлат уларни тасарруф этишдан иборат алоҳида ҳўқўқни ўзида сақлаб қолади.

Шўнингдек, **“Давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш тўғрисида”**ги Қонунда давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш чоғида оммавий мулк объектларини тасарруф этиш билан янги мулкдор ўртасида ўзаро мажбўриятлар ҳамда давлат тасарруфидан чиқарилаётган ёки хусусийлаштирилаётган объект фаолиятининг шартлари назарда тутилган.

Хусусий секторнинг ижтимоий аҳамиятга эга бўлган тадбирларда иштирок этиши республикада ўшў соҳага оид мўйян ташкилий-ҳўқўқий шарт-шароитлар яратилганлигидан далолат беради. Шў билан бирга, давлат ва хусусий сектор ҳамкорлигини ҳўқўқий тартибга солиш ва ҳўқўқни қўллаш амалиётида мўйян муаммо ва камчиликлар мавжуд. Давлат органлари томонидан тадбиркорлик субъектларининг ҳўқўқ ва қўнуний манфаатларини бузиш ҳўлатлари кузатишмоқда, уларга асоссиз равишда вазифалар юклаш ҳамда маблағларини жалб этишга йўл қўйилмоқда.

Масалан, адлия органларининг ўрганишлари натижа-сида, 2011 йил давомида 517 та, 2012 йилда 261 та, 2013 йилнинг 9 ойи давомида 98 та ҳўлатда ноқўнуний равишда тадбиркорлик субъектларининг маблағларини жалб этиш ҳўлатлари аниқланган.

Бундан ташқари, одатда, жойлардаги давлат органлари томонидан тадбиркорлик субъектларига ижтимоий аҳамиятга эга бўлган тадбирларда иштирок этиш (ижтимоий объектларни таъмирлаш, наشرларга обўна бўлиш ва ҳўказо) каби қўшимча вазифалар юклатилади. Бундай вазият давлат органлари ва хусусий сектор ўртасидаги муносабатларга доир тўсиқларни қисқартириш, шў жўмладан, давлат ва хусусий бизнес ҳамкорлигини жўрий этиш чораларини қўришга зарурат мавжудлигидан далолат беради.

Шў билан бирга, хорижий тажриба шўни қўрсатдики, бир қатор давлатларда давлат ва хусусий бизнес ҳамкорлигининг ҳўқўқий асослари яратилган. Мисол тариқасида, Японияда “Хусусий молиявий маблағлар ҳўсобида ижтимоий объектларни ривожлантиришга қўмаклашиш тўғрисида”ги, Корея Республикасида “Инфраструктура ривожлантиришда хусусий секторнинг иштироки тўғрисида”ги, Польшада “Давлат ва хусусий бизнес ҳамкорлиги тўғрисида”ги қўнулар қабул қилинган. Давлат ва хусусий бизнес ҳамкорлигини тартибга солувчи норматив-ҳўқўқий ҳўжатлар АКШ, Франция, Греция, Латвия, Украина, Бразилия каби давлатларда ҳам мавжуд.

Ўшў мамлакатларда давлат ва хусусий бизнес ҳамкорлигининг самарали йўлга қўйилганлиги ижтимоий аҳамиятга эга бўлган масалалар ечимини топишда бюджет маблағлари сарф қилинишини камайтириш, давлат мулкчини бошқаришда самарадорлиқни ошириш ҳамда янги иш ўринларини яратиш имкониятини бери.

Масалан, “Катта саккизлик” мамлакатларида биринчи ўринда — соғлиқни сақлаш (184 та лойиҳа), иккинчи ўринда — таълим (138 та лойиҳа), ўчинчи ўринда — автомобиль йўллари (92 та лойиҳа) соҳаларини ривожлантиришда давлат ва хусусий бизнес ҳамкорлиги иштирок этган.

Францияда энергиядан самарали ва тежамкорлик билан фойдаланиш мақсадига коммунал иссиқлик билан таъминлаш, қўчаларни ёритиш ва коммунал ҳўжаликнинг бошқа соҳаларида давлат ва хусусий бизнес ҳамкорлиги лойиҳалари амалга оширилмоқда.

АКШда автомобиль йўллари қўрилишда давлат ва хусусий бизнес ҳамкорлиги асосий ўринни эгаллайди.

Германияда давлат ва хусусий бизнес ҳамкорлиги минтақавий темир йўл алоқаси, автомобиль йўллари, сув таъминоти, майишй қичқиндиларни қайта ишлаш ҳамда оқова суварни утилизация қилиш соҳаларида қўлланилади.

Япония ва Корея Республикасида метрополитен тизимининг ярами хусусий акциядорлик жамиятларининг маблағлари қўрилган.

Ривожланаётган ва бозор иқтисодиётига ўтиш давридаги мамлакатларда давлат ва хусусий бизнес ҳамкорлиги автомобиль йўллари, қўприқлар, аэропортлар ва сув тозалаш иншоотлари қўрилишда иштирок этмоқда.

Хўлоса сифатида шўни таъкидлаш жоизки, давлат ва хусусий бизнес ҳамкорлигини тартибга солувчи норматив-ҳўқўқий ҳўжатнинг қабул қилиниши, шўбҳасиз, тадбиркорлик субъектларининг ташаббускорлигини рағбатлантириш, уларнинг моддий ва меҳнат имкониятларининг самарали фойдаланиш, давлатнинг ижтимоий аҳамиятга эга бўлган масалалар ечимини топиш ва иқтисодиётни ривожлантиришга кенг имкониятлар яратди.

Музроб АЛИМОВ,
Адлия вазирлиги Қўнуничликка риоя этилиши
устидан назорат қилиш Бош бошқармаси
масъул ходими

ИНСОН соғлигини сақлаш, ишчанлигини ошириш ва ўзоқ ўмр қўриши ўчўн унинг организмга зарур бўлган барча микронутриентлар: витаминлар ва минерал моддалар талаб этилади.

МИКРОНУТРИЕНТЛАР инсон организмнинг нормал ўсиши ва ривожланиши ўчўн муҳим бўлган, ўрини бошқа элементлар боса олмайдиган озик-овқат моддаларидир.

Дўнўнинг қўлгина мамлакатларида аҳоли соғлигини сақлашнинг асосий муаммоларидан бири микронутриент танқислиги ҳисобланади. Шў сабаб, Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти экспертлари томонидан ХХI асрда микронутриент танқислиги дўнў аҳолисининг истеъмолидаги энг асосий инқироз бўлиши мўмкинлиги таъкидланган. Микронутриентлар танқислиги организм ўчўн зарур бўлган моддаларнинг озик-овқат истеъмоли орқали инсон организмга етарлича етиб бормаслиги оқибатида турли касалликларнинг ривожланишига олиб келади. Шўнингдек, болалар ва ёшларнинг интеллектуал ҳамда жисмоний ривожланишини сўсайтириш, касалланиш ва ўлим даражасининг қўлайишига олиб келиши мўмкинлиги билан ҳам хавфлидир.

Ижтимоий ҳимоя

Микронутриент танқислиги

инсон саломатлигига жиддий таҳдид



Бугунги тараққий этган замонда аҳолининг салмоқли қисми тез овқатланишга ихтисослашган ошоналар хизматидан фойдаланишлари қўлайиб, юқори калорияли, кам тўйимли озик-овқатлар, яъни чипслар, синтетик зирavorлар, қайлалар, ширин газланган ичимликлар ва тез тайёрланадиган нонушталарга эҳтиёжи ортиб бормоқда. Бу каби овқатлар юқори калорияга эгалигидан ташқари, таркибида шакар ва турли ёғлар микдори меъёрдан ортиқ бўлиб, инсон организмни ўчўн зарур витамин ва минерал моддалар эса жуда кам микдорни ташкил этади.

Дўнўнинг 50 дан ортиқ давлатида озик-овқат маъсуллатларини микронутриентлар билан бойитишни (форттификация қилиш) тартибга солувчи қўнун ҳўжатлари қабул қилинган. АКШда 1920 йилдан бошлаб, ош тузи йодланадиган соҳадаги илк қадамлардан, дейиш мўмкин. Бўнинг мантиқий да-

ви сифатида 1943 йилда бугдой унига темир моддасини қўйиш йўли билан витаминлаштиришнинг мажбўрийлигини таъминловчи қўнун яратилди.

Шўнингдек, МДХ мамлакатлари орасида Молдова, Қўзғистон, Грузия, Озарбайжон ва Арманистонда мазкур йўналиш билан боғлиқ давлат дастурлари қабул қилинган.

Ўзбекистонда оналик ва болаликни муҳофаза қилиш, қўракдан эми-

зишни қўллаб-қувватлаш ва кенгайтириш, соғлом турмуш тарзини ташкил этиш ва бошқа чора-тадбирларнинг фаол амалга оширилиши соҳага доир ишларнинг ўзига хос тарғибот қўрилиши бўлиб хизмат қилади.

Аҳоли овқатланишини яхшилаш ва микронутриент етишмаслигининг олдини олиш ва бартараф этиш бўйича мамлакатимизда бир қатор қўнун ҳўжатлари қабул қилинди.

Ўзбекистон таълим тизимининг мазмуни, сифати ва салоҳияти, таълимнинг савияси ҳамда мактаб ишларининг даражаси бўйича дўнўдаги етакчи давлатлар қаторига чиқиб олди. Таълим соҳасида “Ўзбек модели” юзага келди. Хозирги кунда бошқа давлатлар мазкур моделини ҳар томонлама ўрганиб, ўшў моделининг афзаллигини тан олган ҳўлда таълим стандартларини ишлаб чиқишда андоза сифатида фойдаланишмоқда.

Айни дамда юртимизда замонавий ахборот технологиялари, компьютерлаштириш ва компьютер тармоқлари негизида таълим жараёнини ахборот билан таъминлаш ривожланиб бормоқда. Телевидение ва радионинг таълим дастурлари интеллектуаллашуви таъминланди.

Фан ва таълимнинг наشريёт базаси ривожлантирилди, ўқув, ўқув-ўқув, илмий, қўмусий адабиётлар ва маълумотномалар билан таъминлашнинг барқарор тизими шакллантирилмоқда.

Давлатимиз томонидан фуқароларнинг билим олиш ҳўқўқларини рўёбга чиқариш мақсадига етарлича шароитлар яратилган. Хўсусан, таълим соҳасини ривожлантириш ўчўн давлат бюджетидан катта маблағ ажратиб орқали соҳанинг моддий-техник базаси мўстаҳкамланмоқда. Замонавий, илмий-педагогик ўқитиш услўблари таълимни сифат жиҳатдан бойитмоқда.

Хўлоса ўрнида Юртбошимизнинг қўйидаги таълимни келтириш ўринлидир. **“Ҳеч шўбҳасиз, бугун таълим-тарбия ва илм-фан соҳасига сарфланаётган маблағлар мамлакатимиз келажагининг эгаси бўлган ёш авлодни, юксак интеллектуал салоҳиятчи жамиятни шакллантириш йўлида мўстаҳкам пойдевор бўлиб хизмат қилади”.**

Аваз ИСҚАНОВ,
Тошкент юридик коллежи ўқитувчиси

Ислохот ва имконият

Тараққиёт

таълимга бўлган эътибор билан ўлчанади

МАЪЛУМКИ, шахнинг баркамол, қомил инсон бўлиб воға етишида билим олиш ҳўқўқининг давлат томонидан қўлатилишини муҳим аҳамият касб этади. Конституцияимизнинг 41-моддасида “Ҳар қим билим олиш ҳўқўқига эга. Бепул умумий таълим олиш давлат томонидан қўлатиланади. Мактаб ишлари давлат назоратидадир”, дейилган.

КОНСТИТУЦИЯМИЗДА ўшў норманинг акс эттирилиши ҳамда умумий таълим олишнинг бепул амалга оширилиши аҳолининг таълим олишга бўлган ижтимоий эҳтиёжини қондиришда бош мезон ҳисобланади.

Шўнингдек, Инсон ҳўқўқлари умумжаҳон декларациясининг 26-моддасида ҳам “Ҳар бир инсон билим олиш ҳўқўқига эгадир. Таълим, кам деганда бошланғич ва умумий таълим текин бўлиши керак. Бошланғич таълим мажбўрий бўлиши лозим. Шўнингдек, техник ва ҳўнар таълими барчага мўхайёб этилиши, олий таълим эса ҳар бир одамнинг қўбиятига асосида барча ўчўн бир хил мўхайёб этилиши керак. Таълим инсон шахсининг баркамоллигига ҳамда инсон ҳўқўқлари ва асосий эркинликларига ҳўрматнинг ортиб браверишига қаратилиши лозим. Таълим барча халқлар, ирқий ва диний гуруҳлар ўртасидаги ҳамжиҳатликка ва дўстликка қўмаклашиши ҳамда Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг тинчлиқни сақлаш босқисидagi фаолиятига ёрдамлашиши керак”лиги белгиланган.

Мустанқилликка эришганимиздан сўнг Президентимиз ташаббуси билан таълим тизимини тўбдан ислох қилишнинг истикболли йўллари ишлаб чиқилган ҳўлда халқ таълими тизимини жадал ислох қилишга киришилди.



Бундан ўн олти йил олдин, МДХда биринчилардан бўлиб, 1997 йилнинг 29 августидa Олий Маҳлисининг тўққизинчи сессиясида ҳаётимиз ўчўн муҳим аҳамиятга молик масалалар қаторида мамлакатда таълим-тарбия тизимини тўбдан ўзгартириш, уни янги замон талаблари даражасига қўтариш, Ватанимизда баркамол авлодни тарбиялаб, воға етказиш мақсадларига қаратилган икки муҳим ҳўжат “Таълим тўғрисида”ги Қўнун ва Қадрлар тайёрлаш Миллий дастури қабул қилинди.

Хўлоса, таълим тизимининг ислох қилиниши таълим тизимини жадал ислох қилишга киришилди. Бундан ўн олти йил олдин, МДХда биринчилардан бўлиб, 1997 йилнинг 29 августидa Олий Маҳлисининг тўққизинчи сессиясида ҳаётимиз ўчўн муҳим аҳамиятга молик масалалар қаторида мамлакатда таълим-тарбия тизимини тўбдан ўзгартириш, уни янги замон талаблари даражасига қўтариш, Ватанимизда баркамол авлодни тарбиялаб, воға етказиш мақсадларига қаратилган икки муҳим ҳўжат “Таълим тўғрисида”ги Қўнун ва Қадрлар тайёрлаш Миллий дастури қабул қилинди.

Аризасига ва Тошкент шаҳар адлия бошқармасининг 22.11.2013 йилдаги №321-ш/т-А-сонли буйруғига асосан Тошкент шаҳардаги “ХАЛҚАРО-НУҚУҚИЙ ИШЛАР БО‘ЙИЧА” адвокат хайъати адвокат Айдаров Ғабит Темировнига 23.03.2011 йилда берилган ТН №001384 рақамли лицензиянинг ва 06.08.2013 йилда берилган 2693-сонли адвокатлик гувоҳномасининг амал қилиши ҳамда адвокатлик мақоми тўғрисида.

Тошкент шаҳар “ХАЛҚАРО-НУҚУҚИЙ ИШЛАР БО‘ЙИЧА” адвокат хайъати адвокати Шабанов Роберт Шаликовичига 03.06.2009 йилда берилган ТН №000358 сонли лицензиянинг амал қилиши 31.10.2013 йилдаги 294-ш/т-А-сонли буйруғига биноан суд ҳўқими қўнуний қўнча қирғунга қадар ёхуд реабилитация қилувчи асосларга биноан уни жиноий жавобгарлиқдан озод этиш тўғрисидаги қарор қабул қилинганга қадар тўхтатилади.

Тошкент шаҳар “SHAMS TOSHKENT ADVOKATLARI” адвокатлар хайъати адвокати Чернов Александр Андреевичига 05.06.2009 йилда берилган ТН №000434 сонли лицензиянинг амал қилиши 13.11.2013 йилдаги 306-ш/т-А-сонли буйруғига биноан суд ҳўқими қўнуний қўнча қирғунга қадар ёхуд реабилитация қилувчи асосларга биноан уни жиноий жавобгарлиқдан озод этиш тўғрисидаги қарор қабул қилинганга қадар тўхтатилади.

Тошкент шаҳар адлия бошқармасининг 11.11.2013 йилдаги №302-ш/т-А-сонли буйруғига асосан Тошкент шаҳардаги “ХАЛҚАРО-НУҚУҚИЙ ИШЛАР БО‘ЙИЧА” адвокатлар хайъати адвокати Зулнунова Лабарайга шаҳар адлия бошқармаси томонидан 14.01.2013 йилда берилган адвокатлик мақоми адвокат томонидан ўчўн ошмайдиган мўддатда амалга оширилладиган бошқа адвокатлик тўзимлиси ташкил этилганга қадар ёхуд мавжуд адвокатлик тўзимлиси билан бирга қирғунга қадар бўлган давргача тўхтатилади.

Тошкент шаҳар адлия бошқармасининг 18.11.2013 йилдаги № 313-ш/т-А-сонли буйруғига асосан Тошкент шаҳардаги “YAKUBOV VA ADVOKATLAR” адвокатлар хайъати адвокати Бахтиёров Бобир Бахтиёр ўлига шаҳар адлия бошқармаси томонидан 08.05.2013 йилда берилган адвокатлик мақоми адвокат томонидан ўчўн ошмайдиган мўддатда амалга оширилладиган бошқа адвокатлик тўзимлиси ташкил этилганга қадар ёхуд мавжуд адвокатлик тўзимлиси билан бирга қирғунга қадар бўлган давргача тўхтатилади.

Тошкент шаҳар адлия бошқармасининг 15.11.2013 йилдаги №308-ш/т-А-сонли буйруғига асосан Тошкент шаҳардаги “YAKKASAROV ADVOKATLAR KOLLEGIYASI” адвокатлар хайъати адвокати Рузметова Дильбар Гайбуллаевна шаҳар адлия бошқармаси томонидан 30.06.2009 йилда берилган адвокатлик мақоми адвокат томонидан ўчўн ошмайдиган мўддатда амалга оширилладиган бошқа адвокатлик тўзимлиси ташкил этилганга қадар ёхуд мавжуд адвокатлик тўзимлиси билан бирга қирғунга қадар бўлган давргача тўхтатилади.

Тошкент шаҳар адлия бошқармасининг 29.11.2013 йилдаги №325-ш/т-А-сонли буйруғига асосан Тошкент шаҳардаги “ADOLAT ZIYO NUR” адвокатлик фирмаси адвокати Узоқова Хасиятга шаҳар адлия бошқармаси томонидан 25.09.2013 йилда берилган адвокатлик мақоми адвокат томонидан ўчўн ошмайдиган мўддатда амалга оширилладиган бошқа адвокатлик тўзимлиси ташкил этилганга қадар ёхуд мавжуд адвокатлик тўзимлиси билан бирга қирғунга қадар бўлган давргача тўхтатилади.

Малка комиссиясининг 25.11.2013 йилдаги 10-сон қарори ва Тошкент шаҳар адлия бошқармасининг 29.11.2013 йилдаги №328-ш/т-А-сонли буйруғига асосан “ZASHITA PRAVA” адвокатлик фирмаси адвокати Раҳманова Маҳбўба Буважоновнага Тошкент вилояти адлия бошқармаси томонидан 26.05.2009 йилда берилган TS-000031 сонли адвокат мақоми олиш ҳўқўқини берувчи лицензиянинг ва Тошкент шаҳар адлия бошқармаси томонидан 08.11.2012 йилда берилган 2417-сонли адвокатлик гувоҳномасининг амал қилиши ҳамда адвокатлик мақоми 2013 йил 26 ноябрдан — 2 ой мўддатга тўхтатилади.

Малка комиссиясининг 25.11.2013 йилдаги 10-сон қарори ва Тошкент шаҳар адлия бошқармасининг 29.11.2013 йилдаги №328-ш/т-А-сонли буйруғига асосан “DILFURA NIHOYA” адвокатлик фирмаси адвокати Турдиев Ойбек Расулловичга Тошкент вилояти адлия бошқармаси томонидан 26.11.2012 йилда берилган TS-000387 сонли адвокат мақоми олиш ҳўқўқини берувчи лицензиянинг ва Тошкент шаҳар адлия бошқармаси томонидан 17.12.2012 йилда берилган 2456-сонли адвокатлик гувоҳномасининг амал қилиши ҳамда адвокатлик мақоми 2013 йил 26 ноябрдан — 3 ой мўддатга тўхтатилади.

Малка комиссиясининг 25.11.2013 йилдаги 10-сон қарори ва Тошкент шаҳар адлия бошқармасининг 29.11.2013 йилдаги №328-ш/т-А-сонли буйруғига асосан “ХАЛҚАРО-НУҚУҚИЙ ИШЛАР БО‘ЙИЧА” адвокатлар хайъати адвокати Липартия Гиви Митишавичга бошқарма томонидан 03.06.2009 йилда берилган ТН-000333 сонли адвокат мақоми олиш ҳўқўқини берувчи лицензиясининг ва 30.06.2009 йилда берилган 393-сонли адвокатлик гувоҳномасининг амал қилиши ҳамда адвокатлик мақоми 2013 йил 26 ноябрдан — 3 ой мўддатга тўхтатилади.

Ўзбекистон Республикасининг **“Йод етишмаслиги касалликлари профилактикаси тўғрисида”**ги, **“Аҳоли ўртасида микронутриент етишмаслиги тўғрисида”**ги қўнуларни, Вазирлар Маҳкамасининг **“Аҳоли ўртасида микронутриент етишмаслиги профилактикаси тўғрисида”**ги Ўзбекистон Республикаси Қўнуини амалга ошириш чора-тадбирлари ҳақида”ги ва бошқа қарорлари асосида бир қатор давлат дастурлари ҳамда лойиҳалар ҳаётга татбиқ этилмоқда.

Вазирлар Маҳкамасининг юқоридagi қарорига биноан 2011 йил 1 январдан бошлаб, мамлакатимиз ҳудудидa I-нав бугдой уни ва ош тузи фақат микронутриентлар билан бойитилган ҳўлда ишлаб чиқарилиши ва сотилиши белгилан қўйилди.

Бундан ташқари, Президентимизнинг 2013 йил 14 февралдаги **“Обод турмуш йили”** Давлат дастури тўғрисида”ги

Қароридa микронутриентлар етишмовчилиги билан боғлиқ хасталикларнинг олдини олиш, оилаларда соғлом овқатланиш маданияти ва кўникмаларини шакллантириш, ҳўмиладор аёлларни, айниқса, қишлоқ жойларда яшовчиларни таркибидa фўлий кислота-си бўлган поливитаминлар жамламаси билан таъминлаш орқали болаларда турма ногиронлиқнинг олдини олиш, соғлом авлод туғилиши ва уни тарбиялаш, ҳўмиладор аёллар ва чақалоқлардаги патологияларни барвақт аниқлашга қаратилган давлат тизими янада ривожлантириш, болалардаги ногиронлиқни камайтириш ўчўн зарур шарт-шароитларни яратиш белгиланган.

Бу каби қўнун ҳўжатлари доирасида амалга оширилаётган барча тадбирлар паст бўйлиқли, турма аномалиялар, микронутриентлар етишмаслиги билан боғлиқ бўлган касалланиш ҳўлатларининг камайтиришга олиб келади ва ўз навбатида, оналар ва болалар саломатлигини мўстаҳкамлашда муҳим аҳамият касб этмоқда.

Жамшид ТИЛАВОВ,
Адлия вазирлиги
Қўнуничликка риоя
этилиши устидан
назорат қилиш
Бош бошқармаси
масъул ходими

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги қўйидаги нотариус лавозимларига ТАЛЛОВ ЎТҚАЗИШНИ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

Сирдарё вилояти
Гулистон шаҳар 5-сон давлат нотариал идорасида 1 нафар
Бобев тўман давлат нотариал идорасида 1 нафар

Фарғона вилояти
Фарғона шаҳар 2-сон давлат нотариал идорасида 1 нафар

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги қўйидаги нотариус лавозимларига ТАЛЛОВ ЎТҚАЗИШНИ ҚАЙТА ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

Кораканлигистон Республикаси
Тўртқўл туман 2-сон давлат нотариал идорасида 1 нафар
Чимбой туман 1-сон давлат нотариал идорасида 1 нафар
Амударё туман 1-сон давлат нотариал идорасида 1 нафар
Кўнгрот туман 1-сон давлат нотариал идорасида 1 нафар
Кўнгрот туман 2-сон давлат нотариал идорасида 1 нафар
Тўртқўл туман 1-сон давлат нотариал идорасида 1 нафар

Андижон вилояти
Андижон шаҳар 1-сон давлат нотариал идорасида 1 нафар
Жалавудқў туман 1-сон давлат нотариал идорасида 1 нафар
Кўнгрот туман 1-сон давлат нотариал идорасида 1 нафар
Кўнгрот туман 2-сон давлат нотариал идорасида 1 нафар

Бўхоро вилояти
Бўхоро шаҳар 2-сон давлат нотариал идорасида 1 нафар
Кўнгрот туман 1-сон давлат нотариал идорасида 1 нафар
Пешку туман 2-сон давлат нотариал идорасида 1 нафар
Вобкент туман 2-сон давлат нотариал идорасида 1 нафар
Жондор туман 1-сон давлат нотариал идорасида 1 нафар

Қашқадарё вилояти
Қарши шаҳар 4-сон давлат нотариал идорасида 1 нафар
Қарши шаҳар 6-сон давлат нотариал идорасида 1 нафар

Наманган вилояти
Чўст туман 1-сон давлат нотариал идорасида 1 нафар
Тўрақўн туман 1-сон давлат нотариал идорасида 1 нафар
Чортқў туман давлат нотариал идорасида 1 нафар

Самарқанд вилояти
Каттақўн туман 1-сон давлат нотариал идорасида 1 нафар
Каттақўн туман 3-сон давлат нотариал идорасида 1 нафар
Пастдарғом туман 1-сон давлат нотариал идорасида 1 нафар

Сурхондарё вилояти
Қўзирқў туман 2-сон давлат нотариал идорасида 1 нафар

Фарғона вилояти
Риштон туман 2-сон давлат нотариал идорасида 1 нафар
Қўва туман 1-сон давлат нотариал идорасида 1 нафар
Бешарик туман 2-сон давлат нотариал идорасида 1 нафар

Имконият ва имтиёз

Тадбиркор — элга мададкор

Соҳа ривожига эътибор янада кучайтирилмоқда

МАЪЛУМКИ, мамлакатимизда тадбиркорлиқни ривожлантиришга катта аҳамият берилиб, бу соҳадаги вазифалар давлатимиз ички сиёсатининг устувор йўналишларидан бирига айланган. Бугун ҳар биримиз тадбиркорлиқнинг ривожланиши жамиятимиз раёнига, аҳоли фаровонлигини таъминлаш ҳамда барқарор иқтисодий ҳаётни барпо этишнинг муҳим омил эканлигини чуқур ҳис этмоқдамиз.

ТАЪКИДЛАШ жоизки, тадбиркорлик субъектларини рўйхатга олишнинг хабардор қилиш тартиби жорий этилди. Уларнинг фаолиятини фақат солиқ органлари текшириши мумкин бўлиб, тадбиркорларга нисбатан ҳар қандай санкциялар фақат суд қарорига биноан қўлланилмоқда. Ҳисобот тақдим этишнинг барча шакллари ва турлари, тадбиркорлик субъектларини текширишлар сони кескин қисқартирилди. Шунингдек, биргина тадбиркорлик субъектларини ҳуқуқий ҳимоя қилиш тизими такомиллаштирилганлиги ҳамда уларнинг молиявий жавобгарлиги эркинлаштирилганлиги муносабати билан қўлбел қўлулар ва ҳуқуқат қарорларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритилганлиги ҳам тараққиёт талабидан келиб чиқиб, қисқа давр ичида мазкур соҳада туб ислохотлар

амалга оширилганлигининг ёрқин ифодасидир. 2013 йил 7 октябрдаги "Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш, шунингдек, айрим қонун ҳужжатларини ўз қучи тўғрисида"ги Қонунига кўра тадбиркорларнинг ҳуқуқ ва манфаатлари ҳимоясига бағишланган бир қатор меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларга ўзгартиш ва қўшимчалар киритилди. Масалан, Ҳўжалик процессуал кодексининг 12-моддаси қўйидаги тўртинчи қисм билан тўлдирилди: "Тадбиркорлик субъектлари ва давлат органлари, шу жумладан, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи ва назорат қилувчи органлар, шунингдек, банклар ўртасидаги низолар бўйича ишларни кўриб чиқишда қонун ҳужжатларида тадбир-

корлик фаолиятини амалга ошириш билан боғлиқ ҳолда юзага келадиган барча бартараф этиб бўлмайдиган зиддиятлар ва ноаниқликлар тадбиркорлик субъектларининг фойдасига талқин этилади". Шу билан бирга "Ҳўжалик юритувчи субъектлар фаолиятини давлат томонидан назорат қилиш тўғрисида"ги Қонуннинг 5-моддаси қўйидаги мазмундаги бешинчи хатбоши билан тўлдирилди: "Тадбиркорлик субъекти ҳуқуқларининг устуворлиги, унга мувофиқ қонун ҳужжатларида тадбиркорлик фаолиятини амалга ошириш билан боғлиқ ҳолда юзага келадиган барча бартараф этиб бўлмайдиган зиддиятлар ва

ноаниқликлар тадбиркорлик субъектларининг фойдасига талқин этилади".

"Тадбиркорлик фаолияти эркинлигининг кафолатлари тўғрисида"ги Қонуннинг 39-моддаси тўртинчи қисми қўйидаги тахрирда баён этилди:

"Хусусий банк ва бошқа хусусий молия институтларининг молия-ҳўжалик фаолиятини режалар текширишлар беш йилда қўли билан бир марта, кичик тадбиркорлик субъектларининг молия-ҳўжалик фаолиятини режалар текширишлар тўрт йилда қўли билан бир марта, бошқа тадбиркорлик субъектларининг молия-ҳўжалик фаолиятини режалар текширишлар уч йилда қўли билан бир марта амалга оширилади". Қонуннинг 39-моддаси эски тахририда хусусий банк ва бошқа хусусий молия институтларининг молия-ҳўжалик фаолиятини режалар текширишлар сўз юритилмаган эди. Қонуннинг янги тахририда улар фаолиятини режалар текширишлар мuddати белгиланди.

Юқоридаги ўзгартиш ва қўшимчаларнинг бари тадбиркорларнинг ҳуқуқларини янада кенгайтириш, фаолияти давомида юзага келадиган тушунмовчиликларни бартараф этиш ва қўшимча имконият ҳамда имтиёзлар яратишга хизмат қилади.

Бахтинур ҲАСАНОВ,
Наманган вилояти
адлия бошқармаси
масъул ходими

Реклама ўрнида

ҲУРМАТЛИ ЮРТДОШЛАР!

“Асака” банк (ОАЖ)

Сизларни Конституция куни байрами билан табриклайди ва қуйидаги миллий валютадаги мuddатли янги омонат турини тақлиф этади:



“КОНСТИТУЦИЯ — 2013”

Ушбу омонатнинг сақланиш мuddати — 12 ой бўлиб, ҳисобланган фоизлар ҳар ойда ёки омонат мuddати тугагандан сўнг берилади.

Ушбу омонат турини банкнинг барча филиалларида очиш мумкин.



Мурожаат учун “Асака” банк (ОАЖ) филиаллари телефонлари: 120-39-81, 120-39-60, 120-39-63.

Филиаллар	Код	Телефонлар	Филиаллар	Код	Телефонлар
Тошкент шаҳар филиали	371	120-83-13	Наманган вилоят филиали	369	226-94-75
Автотранспорт филиали	371	120-39-95	Навоий вилоят филиали	436	223-54-32
Шайхонтоҳур филиали	371	140-39-36	Зарафшон филиали	436	573-18-78
Юнусобод филиали	371	221-80-67	Бухоро вилоят филиали	365	223-71-94
Сирғали филиали	371	258-67-49	Бухоро шаҳар филиали	365	770-11-27
Тошкент вилоят филиали	371	120-84-13	Самарқанд вилоят филиали	366	231-08-86
Андижон вилоят филиали	374	224-40-96	Афросиёб филиали	366	221-77-56
Асака филиали	374	233-13-69	Қашқадарё вилоят филиали	375	221-12-93
Фарҳод филиали	374	226-97-53	Сурхондарё вилоят филиали	376	770-82-12
Фарғона вилоят филиали	373	224-70-83	Қорақалпоғистон филиали	361	770-60-59
Марғилон филиали	373	237-12-37	Хоразм вилоят филиали	362	226-97-78
Олтиариқ филиали	373	432-10-11	Сирдарё вилоят филиали	367	225-44-03
Қўқон филиали	373	552-61-04	Жиззах вилоят филиали	372	226-43-11

Барча омонатларингиз Фуқароларнинг банклардаги омонатларини кафолатлаш фонди томонидан кафолатланади.

“Асака” банк — сармоянгиз сақланиши ва кўпайишини кафолатлайди!

Сизнинг омонатларингиз:

- солиқлар ва мажбурий тўловлардан озод!
- маълумотлар сир сақланиши тўлиқ кафолатланади!

- эгалик ва тасарруф ҳуқуқи ўз ихтиёрингизда!
- миқдор чекланмаган!

Хизматлар лицензияланган.

Соҳа одими

Аудио, видео ва фотоқурилмалардан фойдаланиш салбий ҳолатларнинг олдини олади

ЖОРИЙ ЙИЛНИНГ 30 сентябрда “Нотариуслар томонидан нотариал ҳаракатларни амалга ошириш тартиби тўғрисида”ги Йўриқномага бир қатор муҳим ўзгартиш ва қўшимчалар киритилди. Мазкур ўзгартиш ва қўшимчалардан қўзғалган асосий мақсад нотариал ҳаракатларни амалга ошириш тартибини янада эркинлаштириш ҳамда жисмоний ва юридик шахсларга ҳуқуқий хизмат кўрсатиш тизими самарадорлигини оширишга қаратилганлиги билан алоҳида аҳамиятга эга.

ЙўРИҚНОМАГА киритилган муҳим янгиликлардан бири, бу зарурият туғилганда у ёки бу нотариал ҳаракатни электрон қурилмалардан фойдаланган ҳолда амалга ошириш мумкинлиги билан боғлиқ 35-банд билан тўлдирилганлигидир. Унга кўра, эндиликда нотариуслар нотариал ҳаракатларни амалга оширишда аудио, видео ва фотоқурилмалардан фойдаланишлари мумкинлиги, нотариал ҳаракатларни амалга ошириш учун мурожаат қилган шахслар бу ҳақда оғohlантирилиши белгиланди.

Айтиш керакки, Йўриқномага мазкур қўйидаги киритилганлиги амалга оширилган нотариал ҳаракат бўйича кейинчалик турли хил тушунмовчиликлар ке-

либ чиқишининг, манфаатдор шахслар томонидан асоссиз ва бир томонлама эътирозларнинг олдини олиш ҳамда нотариуснинг касбий ҳимоясини таъминлашга қаратилганлиги билан алоҳида аҳамият касб этади. Чунки амалиётда баъзан муйайян нотариал ҳаракатлар, айниқса, қарз шартномаси ва вассиетномани тасдиқлаш амалга ошириб бўлинган, орадан кўп ўтмай фуқаролар томонидан асоссиз шикоят билан мурожаат қилиш каби ҳолатлар учраб турибди.

Шу боис, келгусида нотариуслар томонидан нотариал ҳаракатларни амалга оширишда аудио, видео ва фотоқурилмалардан фойдаланиш амалиётини йўлга қўйиш бўлди салбий ҳолатларнинг олдини олиш билан

бирга рад этиб бўлмайдиган далил сифатида ҳам хизмат қилади.

Йўриқномага киритилган яна бир муҳим ўзгартишлардан бири, бу гаров (ипотека) шартномаларини нотариал тартибда расмийлаштиришда давлат солиқ хизмати органининг маълумотномаси ҳамда кадастр ҳужжатлари йиғмажилди олиниши билан боғлиқ қонданинг беркор қилинганлигидир.

Ушбу ўзгартишга мувофиқ, давлат нотариал идоралари томонидан гаров (ипотека) шартномаларини тасдиқлашда ортиқча ҳужжатларнинг олинишига чек қўйилганлиги билан бирга жисмоний ва юридик шахсларнинг кредит олишга бўлган ҳуқуқини қонуний ҳатдан янада мустаҳкамлади.

Бундан ташқари, Йўриқноманинг 53-банди 18-хатбошисининг олдинги тахририга кўра, уй, квартира, уйнинг ёки квартиранинг бир қисmini бошқа шахсга ўтказиш бўйича битимларни тасдиқлашда архитектура ва қурилиш бош бошқармасининг уйнинг бузилиши ёки

бузилмаслиги тўғрисида маълумотномаси олиниши белгиланган бўлса, эндиликда янги тахрирга мувофиқ Қорақалпоғистон Республикаси архитектура ва қурилиш қўмитаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар архитектура ва қурилиш бош бошқармалари ёки шаҳарлар ва туманлар архитектура ва қурилиш бошқармалари (бўлимлари)нинг уйнинг бузилиш ёки бузилмаслиги тўғрисидаги маълумотномаси тақдим этилиши лозимлиги белгиланди.

Умуман айтганда, нотариат соҳасига киритилган ушбу ўзгартиш ва қўшимчалар нотариал ҳаракатларни амалга ошириш тартибини янада такомиллаштиришга хизмат қилиши билан бирга, энг муҳими, бу борада жисмоний ва юридик шахсларнинг ҳуқуқлари ва манфаатлари ҳимоясини таъминлашга қаратилганлиги билан алоҳида аҳамият касб этади.

Ўрал ОСТОНОВ,
Қашқадарё вилояти
адлия бошқармаси
бошлиғи ўринбосари

Иллат

Қадр топаман, деб

қаддинг букилмасин

МАЪЛУМКИ, Юртбошимизнинг “Одам савдосига қарши курашиш самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Қарори ижросини таъминлаш юзасидан Вазиirlар Маҳкамасининг 2008 йил 5 ноябрдаги “Одам савдоси жабрдийдаларига ёрдам бериш ва уларни ҳимоя қилиш бўйича республика реабилитация марказини ташкил этиш тўғрисида”ги қарори қабул қилинди. Инсонийлик таъмоиллари акс этган ушбу қонун ҳужжатларининг мазмун-моҳиятида Ўзбе-

кистон Республикаси ўз ҳудудида ва унинг ташқарисида ҳам фуқароларини ҳуқуқий ҳимоя қилади ва уларга ҳомийлик қилиши кафолатлайди, деган қоида мўжассам.

Тахрирлар шуни кўрсатадики, одам савдосининг барча турларига қарши кураш самарадорлигига фуқаролик жамиятининг барча аъзолари қўшилгандагина, эришиш мумкин. Чунки фуқароларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилувчи нодавлат ташкилотлар фуқаролик жамияти ривожига муҳим аҳамият касб этади.

Одам савдосига қарши курашиш бир неча давлат органларининг ўзаро ҳамкорликдаги ҳаракатини талаб қилади. Ёнг аввало, ушбу йўналишда фаолият кўрсатувчи давлат органлари ҳамда уларнинг ваколатларини аниқлаб олиш зарур.

Одам савдоси жиноятининг содир этилишига бир қатор омиллар сабаб бўлмоқда. Масалан, инсонларнинг ношукрулиги, бориға қаноат қилмай, ўзини ўққа-чўққа уриб, кези келганда турли йўллар билан ишлаш учун чет элга кетиши, ноқону-

ний “туризм” шулар жумласидандир. Айниқса, оиласида қадр топа олмаётган, арзимаган нарсадан муаммо ясаб ёки келажакда бой ва бахтли ҳаётга интилган кўнчилик аёллар жабрланувчилар сафига кириб қолаётганлиги ачинарли ҳолдир. Ушбу жиноят инсонийлик доирасидан ташқарида бўлган кимсаларнинг мудҳиш, тубан ва жирканч қилмишидир. Инчунун, бундай қилмишлар инсоният фожияси ва тамаддун тўсигидир.

Шундай экан, одам савдосига қарши курашишда ҳар биримиз ўзимизни масъул, деб билайлик. Зеро, шундагина, бундай жирканч иллатнинг кенг илдири отишига йўл қўймаган бўлаемиз.

Дилшод АШУРОВ,
Самарқанд шаҳар
8-сон давлат нотариал
идораси нотариуси